

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАРҒУБА ДУСМИРАТОВНА

АДАБИЙ-ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА КИЧИК ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора филологических
наук (DSc)**

Content of the dissertation of the Doctor of Philology (DSc)

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна Адабий-тарихий асарларда кичик жанрлар поэтикаси	3
Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна Поэтика малых жанров в литературно-исторических произведениях	36
Abdullaeva Marguba Dusmiratovna Poetics of small genres in literary and historical works.....	72
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	77

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАРҒУБА ДУСМИРАТОВНА

АДАБИЙ-ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА КИЧИК ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Fil.57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdu.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳмонов Насимхон Асқарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Қобилов Усмон Уралович
филология фанлари доктори, доцент

Хамроев Алимжон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институту**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М. Қ. Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ҳ.А.Асланова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби фалсафа доктори (PhD) филол. ф.б.

Ш.А.Ҳасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тарихий-насрий асарлар таркибига кирувчи кичик жанрлар поэтикасини тадқиқ этиш, афсона, ривоят, ҳикоят, мақол, нақл ва бошқа эпик жанрлар тараққиёт босқичларини аниқлаш, тарихий-адабий асарларда бадиий тафаккур тақомили каби муҳим масалаларни ечишга хизмат қилмоқда. Дунё халқлари оғзаки ижодида миф, афсона, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларнинг адабий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими, анъанавий мотивлар ўз шаклланиш қатламига эга. Оғзаки ижод намуналарининг ёзма адабиётга кўчиши тарихий асарларнинг юзага келишига асос бўлган. Шунинг учун ҳам бундай асарларда кичик жанрларнинг поэтик ривожланиши, ижодкорнинг бадиий маҳорати ва ўша давр адабий-эстетик тамойилларини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида кичик эпик жанрлар насрий асарлар мисолида тадқиқ этилиб келинишига қарамай, ушбу масалани тарихий-насрий асарлар мисолида бир тизимга солиб ўрганишни тақозо этмоқда. Тарихий насрда тарихий воқеа-ҳодисалар адабий-бадиий усулда ҳикоя қилинади. Тарихий воқелик ифодасида тасвирийлик ва образлилик етакчи ўрин тутади. Воқеа-ҳодисаларнинг баёнида назмий ифодаларнинг берилиши асарнинг бадиийлигини оширишга хизмат қилган. Бугунги кунда адабий-тарихий асарларнинг бадиий хусусиятларини ўрганиш, улар таркибида келган кичик жанрларни поэтик таҳлил қилиш ўзбек адабиётшунослигида афсона, ривоят, ҳикоят, нақл, ҳикмат каби бир қатор жанрларнинг шаклланиш тарихи ва табиатини очишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқимизнинг маънавий меросини тиклашга мунтазам эътибор қаратилмоқда. “Халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш”¹ муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, адабиётшунослигимизда кам ўрганилган тарихий-насрий асарларда кичик адабий жанрлар поэтикасини, ғоявий-бадиий жиҳатларини ўрганиш заруратини туғдиради. Миллий насрчилик тарихий, диний манбалар асосида ривожланган ўзбек адабиёти тарихи учун кичик жанрлар поэтикасига доир назарий концепциялар тайин этиш ҳамда адабий-тарихий асарлардаги кичик жанрларни таҳлил қилиш, жанрий хусусиятларини аниқлаш, манбалари, тараққиёт тамойиллари ва типологик хусусиятларини тадқиқ этиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи” газетаси. – Тошкент, 2017 йил, 25 май.

ташқил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ 222-сон “2010–2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришда диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хориж илмий тадқиқотлари шарҳи². Жаҳон халқлари бадиий адабиёти тараққиётида кичик эпик жанрлар алоҳида ўрин тутди. Фольклоршунослик йўналишида миф, афсона, ривоят, паремик жанрлар кенг кўламда илмий тадқиқ этилган. Кичик жанрларни адабиётшуносликда талқин қилишда назарий-методологик жиҳатдан ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг нуфузли илм-фан марказларида, жумладан, University of California, University of Harvard (АҚШ); Oxford University Language Centre (Буюк Британия); Санкт-Петербург давлат университети, Россия ФА Шарқшунослик институти (Россия); Ankara Üniversitesi, İstanbul Kültür Üniversitesi (İKÜ); Hacettepe Üniversitesi (Туркия); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон)да, шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида адабий-тарихий асарлар таркибида келган кичик жанрлар маълум маънода ўрганилган. Умуман, тарихий асарларни адабиётшунослик аспектида ўрганишга бизнингча, Марказий Осиё тарихшунослигида илк бор асос солган олим Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний бўлиб, унинг уч жилддан иборат “Жомеъ ут-таворих” асари адабиётшуносликнинг географиясини кенгайтди³. Бу асарнинг энг қимматли томони шундаки, Рашидиддин ҳар бир тарихий шахснинг қиёфасини китобхон кўз ўнгида яққолроқ гавдалантириш учун кичик адабий жанрлардан, ҳикоят ва ривоятлардан унумли фойдаланган. Эмра Беркан томонидан яратилган тадқиқотда Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий”

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга оид маълумотлар <http://www.dictionary.com/browse/legend>; <https://www.britannica.com/art/legend>; <http://www.harvard.edu>; <http://science.gov.az>; <https://simple.wikipedia.org/wiki/legend>; <http://www.enu.kz>; <http://bilgelerzirvesi.org>; <http://www/knu.kg>; www.til-adabiyot.fan.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

³ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том 1, Изд. АН СССР. – М.: *Л.: 1952: 2 том, Изд. АН СССР, 1960. 3 том, Изд. АН СССР. – М.: - Л.: 1946.

асари тил хусусиятлари ўрганилган⁴. Чигатой туркчасида қўлланилган жой номлари, шахс номлари, давлат унвонлари, даражалари, ҳарбий атамалар, вақт сўзлар тилшунослик талаблари асосида тадқиқ этилган. Чигатой туркийсида ижод қилган адиблар қаторида Абулғози Баҳодирхон ҳақида “Хива хонлигида тарихшунослик ва машҳур тарихчилар” деб номланган фаслда тўхталиб ўтилади⁵. Бугунги кунгача жаҳон фольклоршунослигида кичик адабий жанрлар турли нуқтаи назардан тадқиқ этилган⁶. Ўғузхон воқеалари ва “Ўғузнома” муносабати билан Абулғози Баҳодирхон ижоди Туркия, Туркменистон ва Озарбайжонда маълум даражада ўрганилган⁷. Ҳозирги кунда ҳам мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида кичик адабий жанрлар поэтикасини ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: адабий жанр муаммоси; жанрларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти; фольклоршуносликда кичик жанрлар поэтикаси; тарихий-адабий жараён динамикаси; жанр табиати ва жанрлараро муносабат. Дунё адабиётшунослигида тарихий насрга бағишланган илмий кузатувларида, тадқиқотларида катта салмоққа эга бўлган бизнинг адабий меросимиз ҳақида биргина Ю.Брегелнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарига қаратган диққатини эътиборга олмаганда маълумотлар йўқ ҳисоби⁸. Бунга ўзимизда ўзбек мумтоз насри ҳақида етарли даражада тадқиқот олиб борилмаётгани ҳам сабабдир⁹.

⁴ Emre Berkan Yeni. *Beyânî - Şecere-i Harezşâhî (1b-102a) (Dil incelemesi-metin-dizin-ıtpkıbasım)*. – Mayıs. 2018. – 584 s.

⁵ Ўша манба. – Б. 15–16.

⁶ Barthes Roland. *A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et sociologique // Informations sur les Sciences sociales*. Unesco, dec. 2012. I, 4. // Cohen J. *Structure du langage poetique*. Paris: Flammarion, 2006. // Cuddon J.A. *The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books, 1991. // Jakobson R. *Essais de linguistique generale*. Paris, Minuit, 2009, ch. 11. // Ruwet N. *L’analyse structurale de la poesie Linguistics*, 2, dec. 2013. // The Shajari ul-Atrak, or geneological Tree of the Turks and tatars, transl and abrid. By Glonel Milles, London: 1832, b. 182 (a). // Дойи Жавод. Зебоиҳои суҳан ё илми бадеъ дар забони форсӣ. – Исфаҳон: 1335 ҳ. – 318 б. // Ланская Ю.С. Американская городская легенда в контексте постфольклорной: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород: 2006. – 24 с.

⁷ Zuhul Kargı Ölmez. *Ebulgazi Bahadır Han. Şecere-i terakime (Türkmenlerin Soy Kütüğü)*, Türk dillari Araştırmaları Dizisi: 3. Simurg Yayınları, Ankara, 1996. – 559 s; Ebulgazi Bahadır Han, *Şecere-i terakime (Türkmenlerin Soy Kütüğü)*, (Haz. Muharrem Ergin), Tercüman, 1001 Temel Eser, (Yayım Yevı ve yılı belirtilmemiş). // Rzasoy, Seyfeddin (2014). “Ebulgazi Bahadır Han Oğuz Töresinin Koruyucusu ve Yaşatıcısı Gibi”. *Türk Dünyası Bilgeler Zirvesi: Gönül Sultanları Buluşması*. 26-28 Mayıs 2014. Eskişehir 2013 Türk Dünyası Kültür Başkenti Ajansı (TDKB). Eskişehir, ss.329-340 (<http://bilgelerzirvesi.org>); İnan A. *Ebulgazi Bahadır Han ve Türkçesi Abdulkadir İnan. Makaleler ve İncelemeler*. 2. Baskı, II cilt, Ankara: Türk Tarih Kurumu Basımevi, 1998, s.108; Hemra Yusupov Ş. *Batrov Tarih Ens. İlkçağ B. Müd. Sapargeldi Hanov Türkmenistan Yayıncılar Birliği 'nin Üyesi, Türkiye Türkçesine Aktaran Yusuf Akgül. Ersarı baba Hakkindaki Rivoyetler ve hakikat. bilig-3/Güz'96*. –S. 156-161; Reşide Gürses, *Ebulgazi Bahadır Han ve Eserleri: Şecere-i Türki ve Şecere-i Terakime (Türkmenlerin Şeceresi) Üzerine Yapılan Çalışmalara Kısa Bir Bakış, Bilgi. Yayım Tanıtım Tahlil Eleştirisi*. 1996; W. Bang ve G. R. Rahmeti, *Oğuz Kağan Destanı*, İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Türk Dili Semineri Neşriyatı, İstanbul, 1936, 6 9 s. *Қаранг: Чағатай Туркçесинде едатлар*. Ayten Atay. *Çizgi Kitaberi*. Nisan. 2014. –489 s; Farhad Rahimi *Çağatay Türkçesi ve Edebiyatı üzerine bir bibliyografya denemesi. International Periodical for The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic Volume 9/3 Winter 2014*, p. 1157–1218, Ankara-Turkey; Kargı, Zühal *Şecere-i Terakimadaki Manzum Parçalar Üzerine. Türk Dilleri Araştırmaları*. 1991. –S. 80–97; Zeynep Korkmaz. *Yine Oğuzmameleler üzerine. eleştiri / inceleme. Türk Dili. Ağustos 2020. Yıl: 69. Sayı*.

⁸ Shiv Mahamad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi. *Firdaws al-iqbal. History of Khorezm*. Edited by Yuri Bregel. Leden. – New York. – Kobenhavn – Koln, 1988. *Aynur Qezenferqizi. Nallərin poetikası*. Bakı. Köhlen Neşriyyat evi. 2020. -102 səhifə.

⁹ Шодмонов. Н.Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадиий тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи. Ф.ф.д.дисс. – Т.: 2009. – 283 б.

Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий асарлари Г.Майлс, Б.Аҳмедов, Н.П. Румянцев, А.Н.Кононов, Инон Абулқодир, Муҳеррем Эргин, Зуҳал Карги Ўлмез, Сайфиддин Ризасой, Зайнеп Кўркмаз каби олимлар томонидан нашр этилган ва маълум маънода илмий жиҳатдан ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида кичик адабий жанрларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, жанрий хусусиятлари ва таснифи бўйича бир қанча тадқиқотлар қилинган. Фольклоршуносликда К.Имомов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, У.Сатторов, М.Раҳмонова Ш.Ишниёзова, М.Маматқулов, З.Жумаев, И.Алламберганова, Ҳ.Хамидов, М.Ризоевалар миф, афсона, ривоят, эртақ, демоник ҳикоялар, латифа ва нақлнинг пайдо бўлиши, тарихий-генетик асосларини аниқлашган¹⁰. Бу тадқиқотларда тарихий-адабий жараён динамикаси муайян жанрларнинг пайдо бўлиши ёхуд инқирози, тарихий тараққиёт натижасида айрим жанрлар семантикасининг торайиш ёки кенгайиш нисбати, улардаги ижтимоий-эстетик функциянинг ўзгариши каби масалалар тадқиқ қилинган.

Тарихий манбаларда адабий жанрлар поэтикаси масалаларига Н. Раҳмонов, А.Абдураҳмонов, М.Курбанниязов, Н.Шодмонов тадқиқотларида қисман тўхталинган¹¹. Умуман, ўзбек адабиётшунослигида адабий жанрлар ва уларнинг поэтик хусусиятлари борасида ўнлаб тадқиқотлар қилинган бўлса-да¹², биз ўртага қўйган кичик адабий жанрлар такомил тарихий-наصري асарлар мисолида монографик планда ўрганилган эмас. Шунинг учун бугунги ўзбек адабиётшунослигида адабий-тарихий асарлардаги кичик жанрлар поэтикасини ўрганиш, тарихий-генетик асосларини аниқлаш, жанрий таркиби ва поэтикаси масалаларини ҳар томонлама қиёсий таҳлил этиш устувор илмий вазифалардан ҳисобланади.

¹⁰ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 251 б.; Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7 китоб. – Т.: Фан. 1981. – Б. 97.; Жураев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Ф. ф. д. дисс. – Т.: 1996; // Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Т.: Фан. 1995. // Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. –Т.: 1994; Сатторов У.Ф. Ўзбек халқ топонимик ривоятлари. Ф.ф.н. дисс. автореф.– Т.: 2004; Раҳмонова М. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи. Ф.ф.н. дисс. автореф. –Т.: 2004. // Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. Ф.ф. д. дисс. (DSc) – Т.: 2018; Ишниёзова Ш. А. Ҳозирги замон ўзбек ва қирғиз насрида афсона ва ривоятларнинг қиёсий-типологик таҳлили. Ф. ф. н. дисс. автореф. – Самарқанд: 1996. – 26 б.; Маматқулов М. Р. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси. (Монийлик шеърлари ва “Девону луғатит турк” асари асосида). Ф. ф.н.дисс. – Т.: 2004. – 130 б.; Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари. –Т.: Фан. 2008. – 119 б.; Алламберганова И. Х. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослик, таснифи). Ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2018. – 49 б.; Хамидов Х. С. Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридаги ҳикоятларнинг генезиси, мазмуни ва композицион қурилишининг қиёсий таҳлили. Ф.ф.д. (PhD). дисс. автореф. – Т.: 2019. – 24 б.; Ризоева М. А. Ўзбек халқ мифологик афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими). Ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2020. – 59 б.

¹¹ N. Rahmonov. O‘zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: Sano-standart nashriyoti, 2017. – B. 290; Abdurahmonov A. Turkiy xalqlar og‘zaki ijodi. (Eng qadimdan islomgacha bo‘lgan davr) – Samarqand: 2006. – 356 b.; Kurbanniyozov M. XIV asr ўzbek adabiyotida hikoyat janri taraqqiyoti (“Қисаси Рабғузий” мисолида) Ф. ф. д. (PhD) дисс. – Т.: 2018. – 170 б.; Шодмонов. Н.Н. “Шоҳиду-л-икбол”нинг ўзбек бадиий тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи. Фил.ф.д...дисс. – Т.: 2009.

¹² Норбоев Б. Ж. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. (60–80 йиллар ўзбек лирикаси мисолида). Ф. ф. д. дисс. автореф. –Т.: 1996. // Томатов Х. Қ. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўчимлар. Ф.ф.н. дисс. –Т.: 2002. // С. Мирвалиев. Ўзбек адабиётда роман жанрининг таркиб топиши ва тараққиёти. Ф. ф. д. дисс. –Т.: 1971. // М. Муродов. Гўрўгли дostonларининг жанр ва гоъвий-бадиий хусусиятлари. // Жуманазаров У. Ўзбек тарихий фольклорининг жанрий хилма-хиллиги ва гоъвий-бадиий хусусиятлари. Ф.ф.д. дисс. –Т.: 1991. – 365 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклори” кафедрасининг илмий-тадқиқотлар режаси (№К-1. 2017-2021 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий-тарихий асарлардаги кичик жанрларнинг таркиби, тарихий-тадрижий ривожланиш қонуниятларини ойдинлаштириш, афсона, ривоят, ҳикоят, нақл, ҳикмат ҳамда кичик лирик жанрлар поэтикасининг назарий жиҳатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” тарихий асарларидаги кичик жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

кичик адабий жанрларнинг тарихий асарларда тутган ўрнини белгилаш ва таснифлаш;

афсона, ривоят, ҳикоят ва бошқа кичик жанрларга хос белгилар ва уларнинг тарихий асарларидаги адабий-эстетик функциясини тадқиқ этиш;

кичик эпик жанрлардаги анъанавий мотив, детал ва рамзларни ўрганиш; тарихий воқеликни баён этишда “зикр”нинг ўрни ва адабий шакл сифатларини тайин этиш;

турли тарихий асарларда бир хил сарлавҳа остида берилган афсона, ривоят, ҳикоятларни қиёсий таҳлил қилиш;

тарихий асарлардаги кичик адабий жанрларни ўзаро қиёслаш;

тарихий насрда муаллиф услуби ва бадиий маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари танланган. Бундан ташқари “Ўғузнома”, “Жомеъ ут-таворих”, “Қисаси Рабғузий”, “Нусратнома”, “Абдулланом”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” каби манбалар қиёсий таҳлил учун тадқиқотга жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларидаги афсона, ривоят, ҳикоят, паремиялар ҳамда кичик лирик жанрларнинг поэтик хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни ёритишда тарихий-қиёсий, тавсифий, қиёсий-типологик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабий-тарихий асарлар таркибидаги кичик жанрлар поэтикаси илк бор илмий асосланиб, афсона, ривоят, ҳикоят, масал, нақл, ҳикмат ва бошқа кичик лирик жанрларнинг оғзаки ва ёзма адабиёт таъсирида пайдо бўлиши, композицияси, сюжети, образлар тизимининг ўзига хослиги ва ўзгариши, шакл ва мазмун уйғунлигидаги жанр хусусиятлари очиб берилган;

“Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” асарларидаги кичик жанрлар аниқланиб, ривоят, ҳикоят ва паремик жанрлар композицияси, сюжети ва тарихий образларнинг бадиий тақомилида кичик жанрларнинг ўрни, жанрлараро синкретизм ва диффузия ходисалари кўрсатиб берилган;

тарихий асарлардаги кичик эпик ва лирик жанрларнинг адабий-эстетик функцияси ва поэтик хусусиятлари асосланган ҳамда кичик эпик жанрлар таркибида келган ғайритабиий туғилиш, ном қўйиш, ҳомиладорлик, тўй мотиви, туш мотиви каби анъанавий мотивлар аниқланган;

Ўғузхон ва Аланқуво ҳақидаги афсона ва ривоятларни қиёслаш жараёнида тарихий образлар, уларга юкланган ўзига хос мазмун, бу мазмуннинг поэтик ифодаси масалалари Ўғузхон ва Аланқуво тимсоллари орқали далилланган;

тарихий насрда фардбайт, маснавий, рубоий, қитъа, мураббаъ, таърих ва туркийча жир каби лирик жанрларнинг адабий-поэтик хусусиятлари, наср ва назм анъанаси, муаррихнинг ақду ҳалл, ширу шакар, муболаға, ўхшатиш, сифатлаш санъатларидан фойдаланиш маҳорати ҳамда шеърларнинг мавзугояси, шакл хусусияти, қофияланиш тартиби каби жанрий белгилари аниқланган;

“зикр”нинг ўзига хос адабий шакл экани ва унинг тарихий воқеликни акс эттиришдаги поэтик ўрни белгилаб берилган ҳамда кичик адабий жанрларнинг тарихий асардаги поэтик вазифаси, ғоявий-бадиий хусусиятлари, воқелик тасвири, муаллиф услуби, бадиий маҳоратини таъминлашдаги аҳамияти мисоллар орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарихий асарлардаги кичик адабий жанрларнинг поэтикаси тадқиқи эпик жанрларни ўрганишда назарий манба сифатида амалий аҳамият касб этган;

кичик адабий жанрлар бадииятини ўрганиш тарихий воқеаларни таъсирчан шаклда етказиш ва ишончлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутгани асосланган;

тадқиқот тарихий асарларни адабий манба сифатида ўрганишда назарий асос вазифасини бажариши билан бирга кичик адабий жанрларнинг генезиси ва поэтикасига оид илмий маълумотларни бойитишга хизмат қилган;

шунингдек, адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи, тарихий поэтика, кичик адабий жанрларга оид илмий тадқиқотларда ҳамда жанр, композиция, сюжет, мотив, детал, услуб сингари бадиий компонентлар спецификасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий қарашлар асл илмий манбалар ва мумтоз адабиёт намуналаридан олингани, муаммонинг аниқ белгилангани, амалга оширилган таҳлиллар тарихий-қиёсий, тавсифий, қиёсий-типологик, структурал таҳлил методлари воситасида асослангани, назарий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тарихий поэтикага доир қарашларнинг тарихий асарлар билан уйғун тадқиқ этилгани, уларнинг композицияси, сюжети, тарихий образлар тизими шаклланишида кичик жанрларнинг ўрни кўрсатиб берилгани билан назарий аҳамият касб этади. Тарихий насрда эпик ва лирик турга хос кичик адабий асарлар ўз даврининг адабий-эстетик қарашларини ифодалайди. Адабий жараёнда эпик жанрларнинг такомил, жанрлараро муносабат, наср ва назм анъанаси,

синкретик ва диффузион ҳодисаларнинг юзага келиши каби муҳим масалаларнинг ёритилиши, ўз навбатида, ўзбек адабиётшунослигида кичик адабий жанрларнинг тарихий насрдаги ўрнини белгилашда, назарий қарашларни бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” асарларидаги кичик жанрлар таркиби, таснифи ва бадииятини тадқиқ этиш асосида чиқарилган назарий хулосалар, кичик адабий жанрлар генезиси ва поэтикасига доир муҳим илмий хулосалар адабий-тарихий асарлар бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга, шунингдек, олий ўқув юртларида “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Тарихий ва назарий поэтика”, “Қиёсий адабиётшунослик” фанлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлаш, такомиллаштириш ва ихтисослик фанларининг назарий базасини бойитишда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабий-тарихий асарларда кичик жанрлар поэтикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адабий-тарихий асарлар таркибидаги кичик жанрлар поэтикаси илк бор илмий асосланиб, афсона, ривоят, ҳикоят, масал, нақл, ҳикмат ва бошқа кичик лирик жанрларнинг оғзаки ва ёзма адабиёт таъсирида пайдо бўлиши, композицияси, сюжети, образлар тизимининг ўзига хослиги ва ўзгариши, шакл ва мазмун уйғунлигидаги жанр хусусиятлари каби хулосалардан 2008–2010 йилларда бажарилган ХТ-Ф2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва халқ анъаналари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 07 январдаги 89-03-80-сон маълумотномаси). Натижада тарихий қаҳрамонлар образи мисолида ёшларда ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларининг шаклланишига эришилган;

“Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” асарларидаги кичик жанрлар аниқланиб, ривоят, ҳикоят ва паремик жанрлар композицияси, сюжети ва тарихий образларнинг бадиий тақомилида кичик жанрларнинг ўрни, жанрлараро синкретизм ва диффузия ҳодисалари кўрсатиб берилган хулосалардан 2012–2016 йилларда Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” номли фундаментал лойиҳанинг “Ўзбек фольклори ва мифология” қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 07 январдаги 89-03-80-сон маълумотномаси). Натижада “Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” асарларида халқ оғзаки ижодининг ўрни, “Ўғузхон” ва “Аланкуво” афсоналарининг кейинги давр тарихий насри ва бадиий тафаккури ривожига кўрсатган таъсири масаласидаги илмий қарашлари тарихий-наصري асарларнинг адабий-бадиий хусусиятларини асослашга хизмат қилган;

Ўғузхон ва Аланкуво ҳақидаги афсона ва ривоятларни қиёслаш жараёнида тарихий образлар, уларга юкланган ўзига хос мазмун, бу мазмуннинг поэтик ифодаси масалалари Ўғузхон ва Аланкуво тимсоллари

орқали далилланган хулосаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017–2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170927147 – “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 07 январдаги 89-03-80-сон маълумотномаси). Натижада, “Ўғузнома” достони ва Ўғузхон билан боғлиқ эпик сюжетларни тарихий асарлар билан қиёсий ўрганилиши юзасидан чиқарилган илмий қарашларнинг бойишига эришилган;

тарихий асарлардаги кичик эпик ва лирик жанрларнинг адабий-эстетик функцияси ва поэтик хусусиятлари асосланган ҳамда кичик эпик жанрлар таркибида келган ғайритабиий туғилиш, ном қўйиш, ҳомиладорлик, тўй мотиви, туш мотиви каби анъанавий мотивларга оид хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканали ижодкорларининг бир қатор кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда, хусусан, “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот”, “Мавзу” кўрсатувлари сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 апрелдаги 02-13-596-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар учун тайёрланган илмий-оммабоп материалларнинг мазмун жиҳатидан мукаммаллашуви таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 12 та халқаро, 10 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 1 та илмий рисола Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган нашрларда 16 та мақола, шундан 6 та халқаро ва 10 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 274 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети далилланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларининг эълон қилинганлиги ва тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Адабий-тарихий асарлар композицияси ва бадиий хусусиятлари”** деб номланиб, унда “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларининг адабий хусусиятлари ва манбалари ёритилган. Асарларнинг композицион тузилиши, мавзуси ва бадиий жиҳатлари ўрганилган.

“Тўрт улус тарихи” адабий манба сифатида” номли фаслда мазкур битик соф бадий асар эмаслиги таъкидлангани ҳолда, унда мавжуд бадий хусусиятлар кўрсатилди. Мирзо Улуғбекнинг бошқа асарларида ҳам адабиётга тегишли қайдлар мавжудлигини А.Қаюмов¹³, А.Ҳайитметов¹⁴, Ҳ.Болтабоев¹⁵ алоҳида таъкидлашган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-суяр” асарларида Улуғбек ҳақида маълумотлар берилган¹⁶.

“Тарихи арбаъ улус”нинг бизгача тўлиқ бўлмаган тўрт нусхаси етиб келган. Ҳозирда уларнинг иккитаси Англияда, бири Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳри кутубхонасида, яна бири АҚШнинг Гарвард университетиде сақланади. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий текшириш институти қўлёзмалар фондида Британия музейида сақланаётган АДД 26190 рақамли қўлёзма “Улус-и арбаъ-йи Чингизий” (“Тўрт улус тарихи”) асарининг микрофильм шаклидаги учта фотонусхаси (223, 438, 440 рақамли м/ф. “الوس (اربع چينگیزی)”) борлиги аниқланди. Тадқиқотда кичик жанрларни поэтик талқин этишда асл манбадан фойдаланилди.

“Тўрт улус тарихи” асарининг бадий хусусиятлари ҳақида сўз юритганда, Мирзо Улуғбекнинг шеърият ихлосманди эканлигини таъкидлаш жоиз. Асар тарихий мавзуда ёзилган бўлса-да, муаллифнинг бой дунёқараши ва ижодий маҳорати сезилиб туради. Мазкур туркумдаги асарларда тарихий ҳақиқатнинг бадий кўринишдаги ифодаси, уларнинг тарихий битик сифатидаги қимматини янада оширади. Ифода усулидаги ранг-баранглик муаллиф маҳоратини намоён этади. Тарихий асар муаллифи воқеалар баёнида фақат далиллар тили билан сўзлаб қолмай, уни ўз даври халқи ҳаёти, турмуш тарзи, анъана ва расм-русумлари, ижтимоий-сиёсий муҳит фониде тасвирлайди. Энг характерли ўринларни эса муайян бадий воситалар орқали гавдалантиришга ҳаракат қилади. Жумладан, “Чингизхоннинг Найманхон билан бўлган жанги” воқеаларида Қорачор нўённинг жангдаги маҳорати шундай тасвирланган: “...У найманлар фарёдини чиқарди... *Кийикни кўрган йиртқич сингари найзадек қаҳридан ёлқин чиқарди. Шамшир яланғочлаб, кафида тутиб, янги ой сингари фитна тугдирувчи уруш дашти томон сурон солди...*” Яна уруш денгизиде наҳангдек, икки дарё сипоҳ қайнарди, Сулаймон бошига меҳвар кийгандек, ботирдек жанг қилиб, бири жигарин чок этди, Кўз мижаси каби мўлжали аён, Худдек бошини олди, кўк гумбази кўзидан қонлар оқди, шер ва қоплондек икки ботир жанг қилди. *Кушаспдек олов сочи*” (қаранг: “Тўрт улус тарихи”, 92–95-бетлар) каби жумлаларда “Тўрт улус тарихи” асари жангнома типидеги достонлар ва халқ китоблари сингари бадий буёқдорликка эгаллиги билан ажралиб туради. Мирзо Улуғбек муболаға ва ўхшатиш санъатларидан фойдаланиб, қаҳрамонларда ғайритабий хислатларни бўрттириб кўрсатади.

¹³ Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 10-жилд. Қадимият обидалари. Мирзо Улуғбек. – Тошкент: Mumtoz so‘z. 2010. – Б. 220.

¹⁴ Ҳайитметов А. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. 1-сон.

¹⁵ Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. (2 жилд. Ўрта асрлар уйғониш даври). –224 б.

¹⁶ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч. 2. – М.:1964. – С. 158-159. // Улуғбек и его время. Петроград: 1918. –С. 38.

Тарихий манба сифатида қадрли бўлган “Тўрт улус тарихи” айна пайтда адабий манба ҳамдир. Чунки асарда тарихий воқеалар адабий-бадий усулда ҳикоя қилинади. Тарихий воқелик ифодасида тасвирийлик ва образлилик аниқ ва равшанки, асарни ўқиган кишида қисса ёки ҳикоя ўқигандек таассурот қолдиради. Воқеа-ҳодисаларнинг баёни орқали назмий ифодаларнинг кетма-кетликда бериб борилиши асарнинг бадийлигини янада оширишга хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек асарини бўлим ва қисмларга ажратмаган. Б.Аҳмедов бу асарни тўрт қисмга бўлиб эмас, балки муқаддима ва етти бобга бўлиб ўрганишни маъқул кўради. “Тўрт улус тарихи” асарининг адабий манба сифатидаги аҳамиятини очиқ бериш мақсадида асардаги воқеалар силсиласи қуйидаги тасниф асосида ўрганилди: 1. Пайғамбарлар хусусида. 2. Ўғузхон ва унинг авлодлари. 3. Уруғ ва қабила номларининг келиб чиқиши. 4. Аланқуво ва унинг авлодлари. 5. Чингизхон ва унинг авлодлари. 6. Темурийлар ҳақида. 7. Наср ва назм анъанаси. Умуман, асарнинг ифода усули, сажъланиб келган жумлалар, ўрни билан қўлланган бадий-тасвирий воситалар ақду ҳалл, ширу шакар, талмеҳ, игроқ санъати асар тилининг жонли, бўёқдор бўлишига хизмат қилганлиги таҳлилларда кўрсатилди.

“Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари – адабий-тарихий манба” номли иккинчи фаслда Абулғози Баҳодирхон ижодига мансуб мазкур икки асарнинг тарихий-адабий манба сифатидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абулғози Баҳодирхон асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ўрганилиб, тасниф этилди. “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларининг ёзилиш ва ўрганилиш тарихи кўриб чиқилди. Абулғози Баҳодирхон тарихий китоблардан ўз асари учун материал тўплаб, уларни халқ оғзаки ижоди билан тўйинтириб, ҳар бир воқеа-ҳодисага бадий ёндашишга эришган. Муаллиф Одам Атодан тортиб, Қорахоннинг подшоҳлигигача бўлган олис тарихни қисқа хронологик баён қилади. Асарнинг асосий воқеалари “Ўғузхоннинг дунёга келгани зикри”дан бошланади. Асарнинг бадий қимматини белгиловчи ривоят, ҳикоят, ҳикматли сўзлар воқеалар баёнида муаррихнинг бадий-эстетик тафаккури юксаклигини намоён этади. Жумладан, “Ўғуз наслиндин ва бузук ўғлонларидин бир кишини подшоҳ қилғайлар, икки кишини кўтармағайлар, анинг учун хон бир бўлса, эл тузалур ва икки бўлса эл бузулур, *бурунги ўтган билиглилар айтиб турурлар ким бир қинга икки қилич сизмас ва бир хотунни икки эр олиб ўлтура билмас ва бир юртга икки тўра сизмас*, бир улуғ қағазга ахднома битиб Кунхон бошлиқ инилари ва ўғуллари ва беклари ва элнинг қариларининг яхшилари ва йигитларининг яхшилари барчалари хатда отларин битиб ант ичтилар” (“Шажарайи тарокима”, 38-бет). Асардаги қадимги туркий шеърятнинг нодир намунаси бўлмиш тўртлик-мураббаъ Салур Қазанга бағишланган. Унда Қазаннинг алплиги, жасурлиги қуйланади. Абулғозининг ёзишича, Қазан Алп Қўрқут ота билан бир замонда яшаган. У Маккага бориб, ҳожи бўлиб қайтгани айтилади. Мазкур шеър Қўрқут ота тилидан айтилган.

Тарихий асар тилини халқ тилига яқинлаштириш Абулғози Баҳодирхон ижодида кузатилади. “Шажарайи турк” асарининг адабий манба сифатидаги қиммати, айнан биз учун ўзбек тилида ёзилганлиги билан ҳам ўлчанади. Абулғози Баҳодирхон асарда она тилини мукамал биладиган луғатшунос олим сифатида намоён бўлиши, ўз даври истеъмолида бўлган сўзларнинг бир неча тиллардаги маъносини қиёслаб, изоҳлаши, асар тилини бадиий тилга яқинлаштирган.

“Тарихий асарларнинг бадиийлик мезони ва мавзу кўлами” номли учинчи фаслда “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларининг мавзуси ва адабий-бадиий қирралари тадқиқ этилди. Адабий-тарихий асар бирор тарихий воқеа, муайян воқеанинг танланиши ёки унга муносабат билдирилиши натижасида онг-дунёқараш, тафаккур маҳсули ва ижодий фикрлашнинг тажассуми сифатида юзага келади. Тарихий асарда бадиийлик мезонларини ўрганишда шакл ва мазмун муносабати, ғояси, образлар тизими, сюжети ва композицион қурилиши, тили ва адабий анъаналарга алоқадорлиги текширилади.

Н.Шодмонов тарихий-насрий асарларни мавзу доирасига кўра шартли равишда беш гуруҳга ажратади ҳамда “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларини илмий-оммабоп тарихий асарлар гуруҳига киритади. Назаримизда, “Тўрт улус тарихи” асари ҳам ана шу туркумга мансубдир. Асардаги адабий жанрлар, атамалар, жой номларининг келиб чиқиши, уруғ, қабилаларнинг аталиши ҳақида қимматли маълумотларнинг берилганлиги ҳам фикрларимизни исботлайди. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарлари жанр нуктаи назаридан Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” ва Бердақнинг “Шажара” асарларига яқин туриши таҳлиллар асосида ёритилди. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”да воқеалар баёни сифатлаш, ўхшатиш, муболаға орқали тасвирланган. Масалан, “... Алқисса, Қорахон она-бола ҳилватгоҳига кирди. Ўғлини кўрди: *хусни ой парчаси мисоли* бешиқдан нур таратар эди. *Жамоли партави офтобдек, офтобнинг ойга нур бахши этганидек эди.* Қорахон ғояти шодлигидан тўй бошлаб юборди”.

بحسن رخش هر گه کردی نگاه
نگارا شدی خوار در چشم او مهر و ماه
از آن بودش افرید آب و گل
که مهر خدا داشت در جانو دل
“الوس اربع چینگزی”
фотонусхаси,
(в. 17 б.)

Ба ҳусну рухаш ҳар гаҳ карди нигоҳ,
Нигора шуди хор дар чашми ў меҳру моҳ.
Азон будаш офарид обу гил,
Ки меҳри Худо дошт дар жону дил.

Гўдакнинг юзи ойга ўхшатилиши, унинг толеъи баланд, вояга етганида яхши ишлари билан олам халқига ой нурлари мисоли ёруғлик таратиб туришини англатади. Умуман, янги туғилган гўдак жамолини ойга ўхшатиш Шарқ адабиётида кенг тарқалган ҳодисадир. Искандар, Фарҳод сингари қаҳрамонларнинг ҳам ойдай нур таратгани таърифланади. Воқеалар тафсилида насрий баёндан сўнг берилган шеърий парчалар қаҳрамон руҳиятини очишга, тасвирнинг таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Абулғози Баҳодирхон ҳам Ўғузхонни “Кўркали ойдин ва кундин ортуқ”, деб тасвирлайди.

Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий воқеаларни баён қилишда икки хил йўл тутди: Мўғулхонгача бўлган подшоҳлар ҳақида қисқа маълумот бериш ҳамда кейинги даврларга тааллуқли тарихий воқеаларни муфассал баён қилиш. “Шажарайи турк”даги тарихий воқеаларни анъанавий баён қилинган воқеалар ҳамда соф тарихий воқеаларга ажратиб ўрганиш лозим бўлади. Муаллиф воқеалар баёнида бадий тасвир усуллари билан маҳорат билан фойдаланади. Жумладан, сажъ асосида куйидагиларни баён қилади: “Манглайхон тақи подшоҳ эрди. Ул тақи бир неча йиллар эт *еб*, кимиз *ичиб*, оқ ос қора кишни *бичиб*, *ойдай*, *кундай*, сулувларни *қучиб* ва *симобдай* йўрғаларни ва *елдак* югурукларни *миниб*, кўнгли теган ерларга *учуб*, ўғли Тенгизхонни ўз ўрнида *ўлтўртуб* ул дунёга кетди...”. (“Шажарайи турк”, 27-бет). Сажланган матн равоён ўқилади. Оҳангдорлик ва кучли эмоционаллик ўқувчи хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади. *Еб*, *ичиб*, *бичиб*, *қучиб*, *миниб* сўзлари орқали муаллиф насри мусажжани ҳосил қилган. Абулғози Баҳодирхон асарида сажнинг тўлиқ шакли яъни мутавозий сажъ кўп қўлланилган. Тасвирдаги ифода усули эртак, дoston қаҳрамонларининг анъанавий тасвирига ўхшаб кетади. Абулғози Баҳодирхон халқ оғзаки ижодини чуқур билганлиги боис ундан ўринли фойдаланади. Асар тилининг ширадор, бадий бўёқларга бой, ифоданинг жонли бўлишига эришади.

“Миф ва афсона жанрининг эпик тафаккур тараққиётидаги ўрни” деб номланган иккинчи боб икки фаслдан иборат. **“Адабий-тарихий асарларда афсонавий сюжет ва мифология”** номли биринчи фаслда ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, шажараси битилган тарихий асарларда воқеликни акс эттириш, тасвирлаш, баён қилишда фойдаланилган афсона жанри ўрганилди. Тарихий воқеалар баёнида қадимги мифологик қараш ва афсонавий мазмуннинг эпик сюжет ва образларга таъсири масаласи тадқиқ этилади. Тарихий наср намуналарида диний афсоналар ўрнини ҳаётий ривоят ва ҳикоятлар эгаллайди. Диний афсоналар такомил асосида шаклланган тарихий ривоятлар пайғамбарлар, машҳур дин арбоблари ва шайхлар ҳақидадир. Бу типдаги ривоятлар реал воқеликни акс эттириб, тарихий образнинг ижтимоий даври, маиший ҳаёти ва амалга оширган ишлари тўғрисида хабар беради.

Тарихий афсоналардаги мотивлар, турли эпизодлар тарихий шахсни идеаллаштириш, илоҳийлаштиришга йўналтирилади. Образларнинг мўъжизалар, кароматлар кўрсатиш хусусиятлари ислом дини таъсирида юзага келган. Масалан, “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарларидаги Ўғузхон ҳақидаги афсоналарда худди шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Тарихий шахс Ўғузхон билан боғлиқ воқеалар “Ўғузнома” достонидаги эпик қолип асосида кейинги давр адабиётига кўчиб ўтган. Образнинг ҳаётий воқеликдан афсонавий қиёфа касб этиб, ўзгариб бориш жараёнини ўрганиш бадий ижод қонуниятларининг муҳим хусусиятларини очишга хизмат қилади. Тарихий асарларда Ўғузхон билан боғлиқ воқеалар тасвирида мифологик тасаввурлар ва афсонавий мазмун сақланиб қолган. “Ўғузхон”

афсонаси кейинги даврларда у ҳақидаги эпос ва “зикр”ларнинг тарихий насрга кириб боришига асос бўлди.

Абулғози Баҳодирхон Ўғузхон тўғрисидаги маълумотларда афсонавий образларга рамзий маъно юклайди. Улар туркий халқлар афсоналаридаги тотемизм ва фетишизмга алоқадор тушунчалар билан боғлиқ. *Самовий* образлар ҳам афсона жанрининг бадий тизимида ўзига хос ўрин тутаяди. Фалак жисмлари ҳақидаги афсоналарнинг юзага келиши ва ривожланишига қадимги аجدодларимизнинг само жисмларига доир тасаввурлари асос бўлган. Бу ҳақда фольклоршунос олим М.Жўраев: “Самовий қарашлар асосида яратилган мифлар даврлар ўтиши билан афсоналарга айланди” – деб таъкидлайди¹⁷. Самовий афсоналарда, асосан, *Кун, Ой, Юлдуз* жисмларининг бадий талқин қилиниши муҳим хусусият сифатида гавдаланади. Абулғози Ўғузхон фарзандларига от қўйишда ҳам ана шу самовий афсоналарга хос мифологик қарашлар таъсири сезилади. Қадимги мифологияга кўра, *Кун, Ой, Юлдуз* алоҳида худолар сифатида комиллик, улуғворлик рамзлари ҳисобланган. Абулғози Баҳодирхон Ўғузхоннинг фарзандларини Кўк нур ичидаги қиздан туғилганини айтиб, илоҳий фазилатга – комилликка етишган шахслар сифатида кўрсатади. Тасвирларда қадимги туркий оғзаки ижод ва ёзма ёдгорликлардаги осмон ёриткичларини муқаддаслаштириш билан боғлиқ тасаввурлар ҳам сақланиб қолган.

“Ўғузнома” сюжетига бўри образи келтирилган бўлиб, у Ўғузхонга ғамхўр ва мадаккор илоҳий йўлбошчи сифатида кўзга ташланади. “...Кена андин сўнг Ўғуз қаған. Қўриғанни туртурди кетти. Кўрдиким черикнинг тапуғларида, кўк тулуклуг, кўк йаллуг, бедук бир эркак бўри йуругуда турур. Ул бўрининг артларин катағлан. Юругуда турур эрдилар эрди (“Ўғузнома” кўлёзма табдили, XVII –қисм, 18-бет). Бир неча кунлардан сўнг. Кўк тулуклуг, кўк йаллуг бу бедук эркак бўри турун турди. Ўғуз тақи чериг бирла турун турди (“Ўғузнома” кўлёзма табдили, XVIII-қисм, 18-бет).” Ўғузнинг барча юришлари ва жангларида кўк бўри йўлбошчи сифатида намоён бўлади. Бўри – қаҳрамонни доимо қўллаб, ҳамқадам юрувчи илоҳий кучга эга тимсол. Кўк бўри Ўғузхонга ёрдам беради, бошқариб туради. Бундай мифологик (анимистик) қарашлар Ўғузхон образини тўлақонли англашда муҳим аҳамият касб этган. Умуман, бўри образи халқ оғзаки ижодида мустақиллик, мардлик тимсоли саналади. Бу воқеада Кўк Тангри таълимотининг таъсири сезилиб турибди. Кўк тангричилик таълимоти қадимда туркий қавмларнинг илк диний қарашлари асосида шаклланган. Таълимотга кўра, кўк, яъни осмон – Тангри. У ер ва фалакнинг ҳукмдори. Кўк юзида жойлашган Қуёш, Ой ва Юлдузлар муқаддас тушунчалардир. “Кўк” сўзи бир ўринда улуғликни англатса, бошқа ўринда яшовчанлик, умрбоқийлик, яшаришни ҳам билдиради. Туркий халқларда Кўк мисолида Тангрининг ягоналиги улуғланади. Ўғузхон Кўк Тангрига эътиқод қилган. Шу сабабли “Ўғузнома”да у илоҳийлаштирилиб, кўк нур ва кўк бўри билан боғлиқ воқеаларда тасвирлаб берилган.

¹⁷ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Т.: Фан. 1995. – Б. 9.

Бобнинг “Аланқуво” ҳақидаги афсоналарнинг қиёсий таҳлили” деб номланган иккинчи фаслида анъанавий равишда тарихий асарларда баён қилинган “Аланқуво” афсонаси атрофлича ўрганилди. “Шажарайи турк”да Аланқуво ҳақида иккита кичик ҳикоят мавжуд. Биринчиси “Аланқувонинг ажойиб-ғаройиб ҳикояти”, иккинчиси “Аланқувонинг ўғлонларининг зикри” деб номланади. Биринчи ҳикоятда Абулғози Юлдузхоннинг икки ўғлидан қолган Дубунбаён ва Аланқуво исмли набираларини унаштириб катта тўй қилиб бергани айтилади. Ўз ўрнига набираси Дубунбаённи тахтга ўтқазади. Бироқ Дубунбаён 30 ёшга етмай вафот этади. Ундан икки ўғил қолади. Бирининг оти Билгидай (7 ёш), олти ёшдаги иккинчисининг оти Бекчидай (Баъзи китобларда Билганут ёзилган – А.М.) Бир кеча Аланқуво ётиб, сахар уйғонса, туйнукдан бир ёруғ нур кириб келади. Бу нур ичидан бир одамнинг қиёфаси кўринади. Оқ-сарик, кўзлари шахло эди. Шунда Аланқуво заифаларини уйғотмоқчи бўлиб қичқиради. Лекин овози чиқмайди, тили тутилади. Ўрнидан турмоқчи бўлса, қўл ва оёқлари жонсиздек эди. Аммо ақлу ҳуши жойида. Ёруғлик ичидаги киши оҳиста келиб у билан жуфт бўлади. Яна туйнукдан чиқиб кетади. Аланқуво бу воқеани айтсам, ҳеч ким ишонмайди деб, бирон-бир кишига оғиз очмади. Беш-олти кун ўтгандан кейин у яна келади. Бу ҳолат яна давом этади. Аланқуво хомиладор бўлади (“Шажарайи турк”, 45-бет).

Бу мавзудаги ҳикоятлар Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-тавориҳ”¹⁸, муаллифи номаълум “Тавориҳи гузида” – “Нусратнома”¹⁹, Ҳофиз Бухорийнинг “Абдулланомма”²⁰, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”²¹, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарларида ҳам учрайди. Рашидиддиннинг ёзишича²², Аланқуво оқила аёл бўлиб, куралас қабиласидан бўлган. Барча мўғул қабилалари Дубунбаён ва унинг хотини Аланқуводан тарқаган. Бошқа манбаларга кўра, Аланқуво Хурилартой мерганнинг қизи бўлган. Абулғози маълумотида асослансак, у мўғул хони Юлдузхоннинг набираси бўлган. Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий”нинг²³ биринчи фаслида Туғлуқ Темурхоннинг шажарасини келтириб, Аланқувога бориб тақалишини айтади.

“Тўрт улус тарихи” асарида Аланқуво ҳақидаги воқеалар яхлит мукаммал бир қисса хусусиятларини ўзида мужассам этади. Бузанжархон зикрида, унинг насл-насаби ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилади. Мирзо Улуғбек шу ўринда Аланқувонинг гўзаллигини мадҳ этиб, назм келтиради.

Назм:

ز خوبی چنان بود هر کس بدید سر انگشت حیرت بدانند گزید “الوس اربع چینگزی” (в. 27 б.)	Зи хуби чунон буд ҳар кас бидид, Сари ангушти ҳайрат ба дандон газид.
--	--

¹⁸ Қаранг: Фазлуллаҳ Рашид-ад-дин. Джами-ат-таварих. Нагъл Еви. Баку: 2011. – 540 с.

¹⁹ “Тавориҳи гузида” – “Нусратнома”. Азиз Қаюмов. Асарлар. 6-жилд. – Т.: Mumtoz so‘z. 2010. – Б. 102– 114.

²⁰ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланомма. – Т.: Фан. 1999. – 413 б.

²¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон. 1994. – 352 б. (Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида).

²² Қаранг: Фазлуллаҳ Рашид-ад-дин. Джами-ат-таварих. Нагъл Еви. – Баку: 2011. – 540 с.

²³ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий. Шарк. 2007.

Мазмуни: “Аланқуво гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини дандонида тишлаб қоларди”. Бу таърифдан англаш мумкинки, Аланқуво мадҳ этилган назм ғазал жанрига хосдир. Мумтоз поэтик хусусиятларни ўзида жамлаган ғазалда Аланқувонинг ташқи қиёфаси маҳорат билан чизилади. Мирзо Улуғбек томонидан Аланқувонинг адабий портрети яратилади. Оғзаки ижодга хос айтимлар ва мумтоз лирик ўхшатишларга уйғун тасвирланган охириги байтда унинг Дибун Баёнга турмушга чиққани таъкидланади. Аланқуво гулшандаги *гулга*, Дибун Баён эса боғдаги *булбулга* қиёсланади.

Таҳлилга тортилган манбаларда Аланқувонинг хиргоҳида кузатиб турган одамлар ёруғ нурга тиғ билан хужум қилгани айтилмайди. “Тўрт улус тарихи”да одамлар бу нурга тиғ билан хужум қилганларида ўзлари зарар топганлиги, ёруғ нур эса *бедана суратида* қочиб кетгани айтилади. Аланқувонинг ҳомиласи муддати етгач, уч эгизак ўғиллар дунёга келган. Биринчи ўғилга Бурқун, иккинчи ўғилга Бусунғур, учинсига Бузанжар деб ном бердилар. Дейдиларки, бу уч авлоднинг туғилиши хижратдан кейинги 115-санада эди. Аланқуводан таркаган бу авлодни нуроний пуштидан туғилгани учун *найирун* деб атадилар.

Навоийнинг тарихий мавзудаги “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”²⁴ асарларида Аланқувога оид ҳикоятлар учрамасада, “Сабаъи сайёр”да Султон Ҳусайн Бойқарони мадҳида бу тимсолга мурожаат қилади:

*Анга Чингиз улуг ато келган,
Анаси худ²⁵ Аланқуво келган.*

Мисраларда Навоий Ҳусайн Бойқарони таърифлаб, унинг зафарлари бутун оламга хурсандчилик бахш этиши, буюк саховат эгаси экани, отаси ва онаси томонидан ҳам хон авлоди бўлгани, ота томондан Чингизхонга, онаси эса Аланқувога боғланишини, салтанат фахри эканлигини таъкидлайди.

А.Ҳайитметов “Навоий ва Аланқуво афсонаси”²⁶ номли мақоласида Алишер Навоийнинг ижодий тараққиётида, хусусан, “Хамса”нинг юзага келишида қадимги туркий адабиётнинг таъсири борлигини аниқлайди. И.В.Пуховнинг билдирган фикрлари илмий асосга эга. Аланқуво сўзининг этимологиясига назар соладиган бўлсак, “Алан” “Илон” маъносини билдиради. Қадимда “Илон” деганда осмондан тушадиган “нур”га нисбат берилган. Ёқут тилида “Илан” – нурафшон кун маъносини англатган²⁷. Кейинчалик “Оқ илон” сўзи “Аглан”, “Алан” “Ал” шаклда қисқаришларга учраган. “Қува” сўзи ҳам нурни билдиради²⁸. Демак, Аланқуво сўзининг этимологияси илоҳий ёруғ нур билан боғлиқ тушунчалардан келиб чиққан.

²⁴ Алишер Навоий. Асарлар. XIV–XV – том. – Т.: Ғ.Ғулом. 1967–68. Тузувчи: П.Шамсиев. Мухаррир: С.Ғаниева.

²⁵ “Худ” сўзи Навоий асарлари луғатида 2 хил маънода қўлланиши тўғрисида маълумот мавжуд. 1. Худ – бош кийими маъносида. 2. Ҳақиқатан, каби маъноларида.

²⁶ Ҳайитметов А. Навоий ва Аланқуво афсонаси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 1984. 10 февраль.

²⁷ Э.К.Пекарский. Словарь якутского языка. 3-том. – Петроград: 1917. – С. 79.

²⁸ Қува – Хива сўзлари ҳам аслида нур маъносини ифодалайди.

Аланқуво ва Марям ўртасидаги ўхшашликлар “Тўрт улус тарихи” ва “Абдуллонома” асаридаги муаллифлар қарашлари асосида таҳлил этилди. Марям номи ва у ҳақидаги маълумотлар Қуръони каримда зикр этилган. Бундан аёнки, Марям ва у билан боғлиқ маълумотлар (жумладан, афсона ва ривоятлар ҳам) Аланқуводан олдинги даврларда мавжуд бўлган. Кейинчалик, мўғул подшоси Аланқувога Марямга хос хусусиятлар нисбат берилди бошланган. Таҳлилга тортилган материаллар асосида Аланқувонинг адабий портрети, характер хусусиятлари, илоҳий сифатлари талқин этилди. Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхоннинг адабий портрет яратиш маҳорати турли бадий тасвир воситаларидан фойдаланиши орқали таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ҳаётий воқеаларнинг кичик адабий жанрлардаги инъикоси”** деб номланади. Мазкур боб тўрт фаслдан иборат бўлиб, унда “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”даги кичик эпик ва лирик жанрлар қиёсий таҳлилга тортилди. **“Ривоят жанри хусусиятлари ва тасниф мезонлари”** номли биринчи фаслда ривоятларнинг тарихий, топонимик ва этнонимик хусусиятлари ўрганилди. “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” асарларидаги ривоятлар мавзусига кўра тасниф қилинди. Ривоят ва бошқа жанрдаги адабий парчалар таҳлили жараёнида мавзуга яқин бошқа манбалар ҳам жалб этилди. “Тўрт улус тарихи”да *“ровийлар андоқ ривоят қиладурларким”*, *“тарих фани арбобларининг баъзи ривоятига кўра”*, *“кибор машойихлар ривоятига кўра”* каби бошланмага эга сюжет таркибида кичик ривоятлар учрайди. Жумладан, Одам алайҳиссалом ҳақидаги зикрда муаллиф у билан боғлиқ бир қанча ривоятларни ровийлар тилидан ёки тарих китобларидан келтириб ўтади.

Тарихий-насрий асарлардаги ривоят жанрининг муҳим белгиларидан бири ҳикоячилик бўлиб, у насрий баёнга асосланади. Ривоятларда сюжет йўналиши воқеаларни ўзаро боғлашда киритма сюжет вазифасини бажаради. Асардаги қахрамон ҳаёти, фаолиятига доир маълум бир воқеа, ҳолат, лавҳаларни тўлдиришга хизмат қилади. Айтилаётган фикрни далиллайди, мазмунни бойитиш орқали тарихий шахсларни идеаллаштиради. Тарихий ривоятларнинг асосий функцияси реал воқеа ҳақида хабар, ахборот беришга хизмат қилишдан иборат. “Ривоят жанри ўзида тарихий хабар мазмунини жамлаган”и²⁹ сабабли тарихий насрнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маълумки, ривоятларнинг икки хил таснифи мавжуд: бири унинг мавзусига, иккинчиси, бадий-шаклий тузилишига кўра таснифдир³⁰. Таснифнинг иккинчи хилида асосий эътибор сюжет тузилиши, аниқроғи, шакли, мотивлар элементида қаратилган. К.Имомов ривоятларни мавзусига кўра топонимик, эпонимик, тарихий ривоятлар тарзида уч гуруҳга ажратиб ўрганади. Олим учала турдаги ривоятларда ҳам тарихийлик мавжудлигини таъкидлайди³¹. И.Алламбергенова тадқиқотида ҳозирга қадар илмий

²⁹ Аникин В.П. Художественное творчество в жанрах сказочной прозы Русский фольклор. Русская народная проза. №XIII. – Ленинград: 1972. – С. 7.

³⁰ Пусев В.Е. Эстетика фольклора. 1967. – С. 123.

³¹ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан. 2008. – Б. 80.

манбаларда бу жанрга мансуб асарлар “легенда” “афсона”, “ангиз” каби турли атамалар билан номланиб келганини айтиб, қайси бири афсона, қайси бири ривоят ёки ангиз эканлигини аниқлаш, атамаларни ўз ўрнида қўллаш зарурлигини таъкидлайди³². М.Жўраев ва Ж.Эшонқулов фикрига кўра, “Ривоятлар тематикасига кўра тарихий ва топонимик бўлади”³³.

Диссертацияда топонимик ривоятлар “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”даги Хонбалиқ шахрининг қурилиши билан боғлиқ ҳамда “Мурийи сутургой” деган жойнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар асосида ўрганилди. Тарихий-насрий асарларда туркий қавмларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ этнонимик ривоятлар учрайди. “Тўрт улус тарихи” асарида “Ўғузхоннинг турк қавмларига лақаб қўйгани зикри”да уйғур, қипчоқ, қарлук, халаж ва бошқа қавмларнинг номланиши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Уруғларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоят якунида эса шеърӣ парчалар берилган. Абулғози элларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятларни асосан Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асаридан олганини айтиб ўтади. Абулғози Баҳодирхон асарида ўттиз тўрт элнинг зикрини баъзи ўринларда батафсил, баъзан қисқача ёритиб беради. Тарихий асарларда топонимик, этнонимик, тарихий ривоятлар сюжети тўлиқ шаклда баён этилган.

Тадқиқотимизда тарихий асарлардаги тарихий ривоятлар қуйидаги тасниф асосида ўрганилди: 1. *Пайгамбарлар ҳақидаги ривоятлар*. 2. *Подшоҳлар ва шахзодалар ҳақидаги ривоятлар*. 3. *Шайх ва вазирлар тўғрисидаги ривоятлар*. Адабий-тарихий асарлардаги ривоятларнинг асосий қисмини тарихий ривоятлар ташкил этади. Улар соф ривоят жанрига мансуб асарлардан фарқли равишда муаллиф томонидан тарихий шахсларнинг “зикри”, “воқеаси”, “баёни”, “достони”, “ҳикояси”, “ҳикояти”, “қиссаси” каби адабий киритмалар орқали баён этилади. Демак, тарихий асарларда турли адабий жанрларнинг аралаш ҳолда қўлланиши жанрлараро диффузия ҳодисасини юзага келтирган. Шунинг учун ҳам бу типдаги ривоятларга турли сарлавҳалар қўйилган. Бунга муаллифнинг асарни ёзишдаги асосий мақсади – шажаралар тарихи, Одам Атодан ўз давригача кечган тарихий воқеликни акс эттириш истаги сабаб бўлган.

“Ҳикоят жанри хусусиятлари ва мавзу ранг-баранглиги” номли иккинчи фаслда ҳикоят жанри таҳлил этилди. Бадиий ва дидактик асарлар мисолида илмий жиҳатдан ўрганилган ҳикоят жанрининг адабий-тарихий асарларда тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган эмас. Мазкур фаслда бу жанрнинг давр тарихнавислигида ўрни ёритилди. Тарихий мавзудаги асарларда ҳикоятлар композицияси муқим қурилишга эга эмас. Бироқ ҳикоят сюжети ва ундаги бир қатор образлар жанр хусусиятларини

³² Алламбергенова Инабат Хасанбоевна. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи). – Т.: 2018. – Б. 5.

³³ Jurayev M. Eshonqulov J. Forklorshunoslikka kirish. – Toshkent: 2017. – B. 149.

ўзида акс эттиради. “Жомеъ ут-таворих”да Чингизхон ўғилларининг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб ҳикоятлар берилган. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”даги *Қубулай алп*, *Яланғоч ота*, *Амир Қўнғир*, *Чингизхоннинг васияти*, *Ўктайхон*, *Султон Жалолиддин*, *Маҳмуд Таробий* ҳақидаги ҳикоятлар таҳлилга тортилди. Жумладан, “Ўша пайтда одамлар уни Қўбилай алп дейишган. Камон ўқини синдиргани каби одамнинг умуртқа суякларини синдирар экан. Зимистон кечаларида улкан ёғочларни баландлатиб ёқиб қўйиб, ёнида ухлар экан. Гоҳо ўзини камтар тутиб, ухлаганда ёстикдай тош қўйган. Бутун вужудидан куч ёғилиб, шижоатли бўлган. Олтинхон билан жангда ёлғиз ўзи Олтинхоннинг гўлига ҳужум қилиб, унинг тавқи ва телпагини тилимлаган. Мўғул элу улуси орасида унинг шижоати, мардоналиги, паҳлавонлиги маъруф ва машҳур эди (қаранг: “Тўрт улус тарихи”, 79-бет). Алплик хусусиятлари Қўбулайнинг қудратини янада оширади. Унинг ғалабасини таъминлаш, доврўғини ёйишда ёндош восита бўлиб хизмат қилади.

Чингизхон билан боғлиқ воқеалар баёнида берилган “*Яланғоч ота*” ҳикояти Темучинга Чингизхон лақабини қўйиш хабарини етказган киши ҳақидадир. “Айтишларича, ўша кезларда ул ноҳияларда бир киши бўлган, аср бадлойларидан, уни мўғуллар Тибб Тангри деб атаганлар. Ўзбак улуси Яланғоч ота дейишарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шу ондаёқ воқеъ бўларди. ...Энди унга Чингизхон деб ном қўярмиз. Минбаъд сен ўзингни Темучин демасдан, мазлумлар додини золимлардан асрагайсан” (“Тўрт улус тарихи”, 99-бет). Шундан сўнг ҳикоят мазмунини ифодаловчи шеър келтирилади. “Чингизхон”нинг маъноси туркийда “Шоҳлар шоҳи” эканини Мирзо Улуғбек асарида алоҳида қайд қилади. Ҳақнинг ҳукми билан Яланғоч ота Темучинга мазлумларни золимлар кўлидан қутқариш, жаҳонни нопоклардан тозалаш, фосиқларни йўқотиш, яловини баланд тутиб, адолат билан қадам ташлаш зарурлигини уқтиради. Муаллиф “*Яланғоч ота*” образидан Чингизхоннинг Тангри ҳукми билан буюкликка эришганини кўрсатиш учун фойдаланади.

Мумтоз адабиётда ҳикоятлар даставвал, шеърӣ йўлда ёзилган. Шу анъана тарихий асарларда ҳам учрайди. Султон Жалолиддин билан боғлиқ воқеалар баёнидаги шеърӣ ҳикоят айрича мазмунга эга бўлиб, ҳикоятда молу давлатнинг ўткинчилиги ҳақидаги фалсафӣ мушоҳадалар ўрин олган.

“Шажарайи турк”да Эрон ва Туронда подшоҳлик қилган Ўгадой қооннинг баъзи қилиқлари ва афъолларининг зикрида, унинг ибратли ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Бир сарлавҳа остида бешта кичик ҳикоят келтирилади. Улар *1. Туш мотиви орқали берилган ҳикоят. 2. Бировнинг уйига рухсатсиз кирган навкар ҳақидаги ҳикоят. 3. Темирчи ҳақидаги ҳикоят. 4. Савдогарлик қилмоқчи бўлган қари киши тўғрисидаги ҳикоят. 5. Муфлис киши ҳақидаги ҳикоятлардан* иборат. Диссертацияда уларнинг мазмуни, асар композициясидаги ўрни кўрсатиб берилган. Ҳикоятларнинг сюжети, композицион қурилиши содда ва ихчам. Уларда аниқ воқеа тасвири мавжуд.

“Зикр”нинг ичида Ўгадойхоннинг яхши амаллари ва насиҳатлари қисқа сюжетда кетма-кет баён этилади. Ҳар бир ҳикоят алоҳида мавзу, сюжет ва образлар тизимига эга. Ҳикоятларда бош қаҳрамон Ўгадойхоннинг донолиги, тадбиркорлиги ва адолати улуғланади.

Учинчи бобнинг учинчи фаслида **“Паремик жанрларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари”** масаласи ўрганилди. Паремияология халқ донолигини ўрганувчи фандир. Паремия деб тилда барқарор бўлган, нутқда синтактик жиҳатдан гап шаклида келувчи, панд-насиҳат, таълимий мазмунни етказиш учун қўлланувчи бирикмаларга айтилади³⁴. Паремик жанрлар тўғрисида М.Бахтин ва Б.Саримсоқов тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Тарихий асарларда учрайдиган халқнинг доно кишилари томонидан айтилган ақлий нисбати устун бўлган доно фикр, масал (мақол), ўғит ва ҳикматли сўзлар паремик жанрлар қаторида таҳлил этилди. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”да халқ нақлларида самарали фойдаланилган. Қорахоннинг ўғли Ўғузхон мусулмонликни қабул қилганида, отаси ҳайратда қолиб, “Ўғузхон жонимдан азиз бўлса ҳам, ўткир шамшир билан ишини қилурман. Дину урфимдан қайтган экан, ханжар билан бошини кесмоқ лозим”, – деди. Воқеа назмда берилган бўлиб, ундан чиқариладиган нақл қуйидагича: *“Отаси динидан кечган ўғулнинг дилини кийна тиги билан тилмоқ лозим”*. Ўнгхоннинг Таянхон найман қўлида нобуд бўлиши тасвирланган шеърда ҳам *“Дунёнинг иши шу: гоҳ сенга сут тутади, гоҳида – қон. Подшоҳ ёки лашикар бўлмагин, ажалдан қутулолмайсан”*. *“Гумон аҳлидек сўз ўғриси бўлма”*. Нақл йирик воқеаларни ихчам ва ибратли хулосалайди. Ўз ўрнида кичик хулоса катта воқеаларга ишора қилади. Мирзо Улуғбек жанрнинг айна жиҳатларини назарда тутиб, тасвирнинг халқчиллигини таъминлашга эришади. Бундай ёндашув муаллиф бадий маҳоратини кўрсатади.

А.Абдурахмонов туркий халқлар адабиётининг жанр хусусиятларига тўхталиб, оталар томонидан келтирилган ҳикматли сўзларни “сав” жанри сифатида талқин қилади³⁵. Ўғит адабий жанр сифатида “Девону луғатит-турк” асарида “ўтлук” тарзида келтирилган. Жумладан, “Шажарайи турк” асарида паремик жанрлар – *нақл, масал (мақол), ҳикматли сўзлар ва ўғитлардан* кўплаб намуналар учрайди. Асарда буюк подшоҳлар ва саркардалар ҳақидаги нақллар ва уларнинг ўғитлари – ибратли сўзларидан парчалар берилган. Тарихий наср намуналарида бу жанр адабий жараён талаблари асосида маълум ўзгаришларга учраган. Жанр имкониятлари кенгайиб, умумлашма хусусиятларни ифодалаган. “Шажарайи турк”да келтирилган *масаллар* мақол ва фразеологик бирликни ўзида ифода этган. Абулғози асарида масалларни фикрини тасдиқлаш ва асослаш учун қўллайди. Асарнинг муқаддима қисмида “Туркнинг масали туруп: *“Ўксук ўз киндигини ўзи кесар”* теган”, – дейди. Абулғози Баҳодирхон масал деганда, халқ мақолларини назарда тутган. Бу

³⁴ Паремия. Бахтин М. www.wikipedia.org/wiki

³⁵ Abdurahmonov A. Turkiy xalqlar og'zaki ijodi. (Eng qadimdan islomgacha bo'lgan davr) – Samarqand. 2006. –B. 329.

Ўша даврда мақолнинг масал номи билан қўлланганини кўрсатади. Адабий жанрлар такомилда ҳам айнан шу ҳолатни кузатиш мумкин. Чунки кўпгина оғзаки ижод намуналарида мақол ва ҳикматли сўзлар, ҳатто, эртаклар ҳам масал деб аталгани кузатилади. Абулғози асарининг биринчи бобида “*Ит семирса эгасин қопар*” шаклидаги ўзбек масали (мақоли)ни келтиради. Чингизхоннинг найман эли устидан ғалаба қозонгани воқеалари тасвирида бир неча ҳикматли сўз ва мақоллардан фойдаланган. “Бурунқи яхшилар айтиб турур: “*Ўн дарвеш бир палоснинг юзига сизар. Икки подшоҳ ер юзига сизмас*”, теб”. Ёки найманнинг беклари тилидан айтилган ўғитни олайлик. “*Турадин ва эв, элдин айрилиб, ёт юртга бориб кўр қидириб юругунча ўлган яхши*”. Душман қўлида хизмат қилгандан кўра жасорат билан ўлимни шараф деб қабул қилиши ўқувчини тўлқинлантириб юборади.

Нақл, масал (мақол), ўғит ва ҳикмат жанрлари тарихий асарларда уч асосий паремик хусусияти билан аҳамиятлидир. Булар: кўпчиликнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб тўпланган доно фикрдан иборатлиги; умуминсоний аҳамиятга эга бўлган фавқуллодда доно фикрларнинг образли ифода этилиши; бу типдаги асарларнинг ихчам, нисбатан барқарор кристал шаклга эга бўлиши. Шу жиҳатлар биз таҳлилга тортган асарларда тўла намоён бўлган. Тарихий шахслар тилидан айтилган ибратли сўзлар тарихий воқеаларнинг ҳисса-хулосаси сифатида халқимизнинг донишмандлиги, заковатини ўзида акс эттирган.

“**Адабий-тарихий асарларда лирик жанрлар тадқиқи**” фаслида тарихий асарларда мавжуд кичик лирик жанрлар ва шеърӣ парчалар таҳлил этилди. Диссертацияда “Тўрт улус тарихи” асаридаги шеърлар таснифланган ва батафсил таҳлил қилинган.

Байт:

<p>خروش کوس و بانگ نایی برخواست زمین چون آسمان از جای برخواست “الوس اربع چینگزی”، <i>фотонусхаси</i> (в.59 б.)</p>	<p>Хуруши кусу бонги ной бархост, Замин чун осмон аз жой бархост.</p>
---	--

Мазмуни: Ноғора хуруши ва най бонги кўтарилди, Замин осмондек жойидан кўзгалди (“Тўрт улус тарихи”, 118-бет).

Муаллиф жанг бошланиши тасвирини лирик шаклда ўта муболағали ифодалайди. “*Замин чун осмон аз жой бархост*” мисрасида муболағанинг учинчи даражаси *гулуввга* мурожаат қилинган. Мазкур ёндашув жанг бошланишини энг юқори даражада тасаввур қилиш имконини беради. Бирок тасвирда ақл бовар қилмайдиган, ҳаётда юз бериши мумкин бўлмайдиган манзара акс этади. “*Замин осмондек жойидан кўзгалиши*” юз бериши мумкин бўлмаган ҳолатдир. Н.Жўраева диссертациясида байтнинг структурал, семантик ва функционал турлари, лирик жанрларнинг байтга муносабати

масаласи ўрганилган³⁶. Байт тугал фикр асосига қурилади. Қофияланаётган икки мисра маълум фикрни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Тарихий воқеалар тасвирида келтирилган байт бошқа бир лирик жанр таркибидан олинмаган. Балки, айнан баён этилаётган воқеа асосида ёзилган. Бундан кўринадики, байт зикр таркибида мустақил ифода этилган адабий шаклдир. Н.Жўраева “байтнинг мазмун ва ифода жиҳатидан мустақиллиги нисбийдир”³⁷ – деб кўрсатади. Бу ўринда тадқиқотчи лирик жанрлар таркибида келган байтларга нисбатан хулоса чиқарган. Бироқ тарихий асарларда байтлар том маънода мустақил шеър сифатида берилган. Р.Орзибеков бу типдаги шеърларни *фардбайтлар* деб атайдди. Шунга асосланиб, тарихий асарларда келтирилган байтлар *фардбайт* сифатида талқин қилинди.

“Тўрт улус тарихи”да гоҳ номсиз, гоҳида жанри қайд этилган шеърлий парчалар учрайди. Найман подшоси Кушлук ибн Таянхоннинг жангда ғолиб бўлиб, тахтга ўтиргани тасвирларган воқеалар ўша давр шоирлари томонидан қасидаларда мадҳ этилган. Жумладан, Рашидиддин Ватвот унинг хизматида бўлган ва қуйидаги *рубоийни* ўқиган.

جدت ورق زمانه از ظلم بنسست عدل جدت شکستها کرد درست رای بر قدنو قباى شاهى شده چست انان ناهه کسى که تو بست دولت تست “لوس اربع چينگزی” (v. 175 a.)	Жаддат варақи замона аз зулм бишуст, Адли жаддат шикастахаро кард дуруст. Рой бар қадди ту қабои шоҳи шуда чуст, Онон наҳи касе ки ту баст давлати туст.
---	---

Мавлоно Ишқий қаламига мансуб “таърих” келтирилади:

رشيد ملت و دين چون رحلت بست عقبا نوشت منشى تاريخ او كه تاب سرات “لوس اربع ينگزی” (v.147 a.)	Рашиди миллату дин чун раҳил баст ба уқбо, Навешт мунший тарихи у ки, тоби сирот.
---	--

Мазмуни: Дину миллат Рашиди охиратга жўнаганда Мунший унинг тарихини “Сирот” тобидир, деб ёзди (“Тўрт улус тарихи”, 268-бет).

Асардаги диққатга сазовор адабий жанрлардан бири – *туркийча жирдир*. Бу лирик жанр “Тўрт улус тарихи” асарида ўзбек тилида берилган. Тадқиқотчи А.Абдурахмонов бу адабий жанрни аслида “йир” шаклида қўлланилганини таъкидлайди. “Йир” адабий атама сифатида кўпгина туркий халқларда ҳозиргача ҳам сақланган. “Йир” Алишер Навоий асарларида ҳам учрайдиган сўз бўлиб, у ашула, кўшиқ, жир маъноларини ифодалайди. Жир – йирнинг туркийлар “ж”лашган шеваларига хос ўзгарган шаклидир. Йирламоқ дейилганда ҳам жирламоқ – ашула қилмоқ тушунилган. Ҳозирги даврда татарларда, умуман, халқ кўшиқлари, қозоқ ва қорақалпоқларда эса сюжет асосида қурилган халқ шеърляти, кўпроқ дostonлар “жир” деб аталади³⁸. Мазкур жанр “Тўрт улус тарихи” асарида алоҳида ўрин тутаяди.

³⁶ Қаранг: Жўраева Н.Г. Ўзбек мумтоз шеърлятида байт ва унинг поэтикаси. Фил.ф.н. дисс. – Тошкент: 2004. – 159 б.

³⁷ Ўша манба. – Б. 15.

³⁸ Abdurahmonov A. Turkiy xalqlar og'zaki ijodi. (Eng qadimdan islomgacha bo'lgan davr). –Samarqand: 2006 – Samarqand: – B. 324.

Чингизхоннинг севимли ўғилларидан бири Жўчихоннинг ўлими воқеасига бағишланган. Ёмон воқеадан хабар берувчи жарчи ва Чингизхоннинг айтишуви, савол-жавоби асосига қурилган. Туркийча жир моҳияти жиҳатидан марсия жанрига ўхшаб кетади.

Жарчи:

Тенгиз бошдан булгонди, ким тиндуруро, хоним?

Терак тубтун жисилди, ким тургузуру, хоним?

Чингизхоннинг жавоби:

Тенгиз бошдин булгонса тиндирур улум Жўчидур,

Терак тубтин жисилса тургузур улум Жўчидур.

Беш байт ўн мисрадан иборат бу айтишув, қўшиқ халқ оғзаки ижодида учрайдиган йиғи-йўқловларга ўхшаб кетади. Эътиборлиси шундаки, мазкур адабий жанр ҳам назмда, ҳам насрда юксак бадиий маҳорат билан ижро этилган. Таъзия маросимида барча амиру нуёнлар оёқда туриб, жир айтдилар (“Тўрт улус тарихи”, 219–220 - бетлар).

Қадимда “жир” айтувчиларни “жиров”, “хабар” айтувчиларни жарчи деб аташгани маълум. Шунга кўра, Мирзо Улуғбек Жўчихоннинг ўлими хабарини Чингизхонга етказишда жарчи образидан фойдаланган. Жараён тасвирида хабарчи жарчи қиёфасида ҳам, қўшиқ-марсия куйловчи жирчи образида ҳам намоён бўлган. Демак, жанрлараро муносабат уйғунлашиб, ўзига хос айтимни юзага келтирган. Умуман олганда, “йир – жир” туркий адабиётдаги қадимий адабий жанрлардан бири бўлиб, унга хос хусусият шеър ва кўйнинг узвий тарзда ижро этилишидир. Маълум бир даврда юзага келган атамани шу давр тушунчасига боғлаш илм-фанда исботланган тажрибадир.”³⁹ Шу нуқтаи назардан мазкур жанрни “туркийча жир” деб аташ тўғри ва ўринли бўлади.

“Тўрт улус тарихи” асарида олтига лирик жанр – *фардбайт, рубоий, қитъа, таърих, туркийча жир, маснавийлардан* намуналар берилган. Асарда келтирилган шеърлар Мирзо Улуғбек қаламига мансуб бўлиши мумкин.

Абулғози Баҳодирхон ҳам шеърлар ёзган. Унинг “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларида ўзбек ва форс тилида битилган шеърлар мавжуд. “Манофёу ул-инсон” асарида ҳам битта форс тилида ёзилган шеър бўлиб, саксон мисрани ташкил этади.

“Шажарайи тарокима” асаридаги иккита шеърда Қўрқут отанинг Салур Қазан алпни мадҳ этган тарtimi келтирилади:

Бир қозонга қирқ бир отнинг этин салди:

Ул қозонни сўл элики бирлан олди.

Сог элики бирлан элга улаштурди.

Аллар, беклар кўран борму Қазан каби (“Шажарайи тарокима”, 24-бет).

Мазкур шеър мураббаъ жанрига хос бўлиб, “*Аллар, беклар кўран барму Қазан каби*” такрорланувчи мисра ҳисобланади. Салур Қазан поэтик образ сифатида катта куч эгаси ҳал қилувчи ўрин тутди. Бундай образлар

³⁹ Ўша манба. – 356 б.

поэтикасида тинчлик, мустақиллик, мардлик, қаҳрамонлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, тўғрилиқ, меҳрибонлик рамзий ифода этилади. Салур Қазан ўқувчи кўз ўнгида нафақат кудратли алп, балки покиза қалб, юксак имон соҳиби, мустаҳкам ирода эгаси, кўркмас, жасур паҳлавон сифатида ҳам намоён бўлади. Бу белгилар алп сиймосини ойдинлаштириб, асарга бадиий-эстетик жозиба бағишлайди. Мазкур шеър халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган эркин вазндаги тўртликларга яқин туради. Асарда Салур Қазан ҳақида етти мураббаъ берилган. Мураббаларнинг қофияланиш тартиби қуйидагича: 1) а-б-б-в; 2) а-а-а-б; 3) а-а-а-б; 4) а-б-б-в; 5) а-а-а-б; 6) а-а-а-а; 7) а-б-б-а.

“Ўғузхоннинг юртига келиб тўй қилганининг зикри”да иккита шеър муаллиф томонидан *байт*, деб келтирилган.

Бир эв тикти олтундин ул шаҳриёр,

Ким ул эв фалак эвиндин қилди ор (“Шажарайи тарокима”, 10-бет).

Байт арабча “уй” маъносини билдириб, икки мисра шеърга нисбатан қўлланилган. Ҳар қандай икки мисра шеър ҳам байт бўла олмайди. Байт бўлиши учун келтирилган иккала шеърий мисра бир-бири билан мазмун ва мантиқ жиҳатдан боғланган бўлиши у ёки бу поэтик ғояни очишга хизмат қилиши лозим. “Ҳар бир байт мазмунан мустақил, шаклан тугал бўлса, унинг таъсирчанлиги юқори бўлади, унда ифодаланган мазмунни англаб олиш осонлашади”⁴⁰. Абулғози келтирган байтлар мана шу поэтик талабни ўзида ифода этади. Тарихий шахс тилидан айтилган сўзлар муаллиф томонидан айнан воқеани образли қилиб тасвирлашда қўл келган ва фардбайтлар орқали ифодаланган. Унда мусиқийлик устун бўлиб, халқона оҳангдорлик сезилиб туради. Айтиш мумкинки, тарихий асарларда келтирилган “байт” – қадимда жуфт қофияли шеърларга нисбатан қўлланган адабий истилоҳдир.

Абулғози Баҳодирхон асар муқаддимасида “маснавийёт ва қасойид ва ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик”ларини камтарлик билан қайд қилиб ўтган. Бу Абулғозининг маснавий, қасида, рубоий, ғазал илмини мукамал билишини англатади. Ҳар қандай асарнинг баркамоллигини, биринчидан, унинг ғоявий-бадиий етуклиги белгиласа, иккинчидан, адабий жанрлар кўламининг ранг-баранглиги ҳам асос бўлади. Бу борада “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарларида келтирилган кичик лирик жанрлар асарнинг поэтик оламини бир бутун ижодий қонуниятлар асосида тушуниш имконини яратади. Шу билан бирга адабий жараёнда бу жанрлар тақомилини аниқлашга ёрдам беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин**” деб номланган. Биринчи фаслда “**Пайғамбарлар зикрининг поэтик хусусиятлари**” тадқиқ этилди. Адабий-тарихий асарларда Одам алайҳиссалом ҳақидаги зикрлар қиёсий ўрганилиб, “зикр”нинг адабий шакл сифатидаги вазифасини аниқлашга эришилди.

⁴⁰ Жўраева Н.Д. Ўзбек мумтоз шеърлятида байт ва унинг поэтикаси. Фил.ф.н. дисс. – Тошкент: 2004. – 159 б.

“Тўрт улус тарихи” асари анъанавий Оллоҳга ҳамд ва пайғамбаримизга наът билан бошланади. Муаллиф Одамнинг яратилиши ҳақидаги эшитган хабарлари (ривоятлари)ни хулосасини келтириб ўтади. Одам алайҳиссаломнинг камтарин куняси Абулбашар шариф лақаби Сафийуллоҳдир. Улуғбек иккинчи бир ривоятни келтиради. Одам “одама” сўздан олинган. Бошқа бировларнинг айтишича, сув билан тупроқ аралашмаси Одам дейилган (“Тўрт улус тарихи”, 16-бет).

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида келтирилган тарихий маълумотлар эпик турнинг кичик жанрларида баён этилади. Бу нафақат хронология, балки воқеаларнинг ижодкор томонидан турли манбаларга асосланиб келтирилган маълумотларини ҳам ўзида акс эттиради. Тарихий асар муаллифи китобхонни зериктирмаслик учун маълум тарихий шахс ҳақидаги ривоят ёки ҳикоятга шеърӣ парчаларни ҳам киритади. Навоийнинг ҳикоялари шаклан сиқик, мазмунан бойдир. Асарнинг илк ҳикояси Одам алайҳиссаломдан бошланади. Одамнинг куняяти Булбашар, лақаби Сафийуллоҳдир. Одам алайҳиссалом ҳақидаги маълумотлар гарчи икки асарда ҳам такрорланса-да, мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Тарихий маълумотларни баён қилиш, китобхонга етказиш борасида муаллифларнинг ёндашуви ўзига хос. Тарихий асарларда учрайдиган “зикр” кўлами жиҳатидан жуда катта ижтимоӣ қамровга эга. Бир “зикр”да бир неча бошқа кичик жанрлардаги асосли фикр ёки бошқа бир тарихий асардан берилган қиёсий маълумот билан чоғиштириш, кези келганда воқеаларга шеърӣ йўл билан муносабат билдириш ва шу орқали қаҳрамоннинг ички ҳис-туйғуларини ўқувчига етказиш каби масалалар қамраб олинади. Бу хусусиятлар тарихий асарларда “зикр”нинг адабий шакл сифатидаги табиатини белгилайди. Тарихий асар ёзиш ижодкордан чуқур билим билан бирга, юксак бадиӣ дид, эстетик таъсир усулларини билишни ҳам тақозо этади. Бу жиҳатлар “зикр”га хос адабий шаклнинг тарихий асарларда бажарадиган вазифасини ойдинлаштиради. Тарихий асарларда “зикр”га хос хусусиятлардан яна бири – ҳар бир фикрни Қуръони карим оятлари билан изоҳлашдир. “Тўрт улус тарихи” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ҳам Қуръони каримнинг оятлари воқеаларни асосли изоҳлашга хизмат қилган.

“*Зикр*” арабча эслаш, тилга олиш, баён этиш маъноларини билдиради⁴¹. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча луғатида “*зикра*” – зикр қилиш, эслатиш деб кўрсатилган⁴². Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарларида ҳар бир давр, тузум, тарихий шахслар билан боғлиқ тарихий воқеалар баёни “зикр” сифатида бериб ўтилган. “Зикр”нинг адабий спецификасини белгилашда уни ташкил қилаётган таркибий қисмлар – воқеа, сюжет, образ, характер, тил ва услуб каби масалалар аниқлаштирилди. “Зикр” ўрта эпик жанр сифатида ҳикоя ва

⁴¹ Навоий асарлари учун қисқача луғат. (Тузувчи: Ботирбек Ҳасанов). – Т.: 1993. –Б.100.

⁴² Ботирбек Ҳасан. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбек кўрсаткичли луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1995. –Б. 217.

қиссанинг маълум жиҳатларини ўзида жамлайди. Яъни баъзи ўринларда эпик қаҳрамон ҳаётининг биргина эпизодини, бошқа бир ўринда бутун бир этапини қамраб олади. Д.Куронов таъкидлаганидек, “эпик асарларни жанрларга ажратишда, табиийки, ҳажм мезон бўлолмайди”⁴³. “Зикр” ичида адабий жанрларнинг бир қанчаси берилиши мумкин. Масалан, афсона, ривоят, ҳикоят, нақл, кичик шеърый парчаларнинг барчаси биргина “зикр”да келтириб ўтилади. Хабар берилаётган маълумотнинг ҳажми бир ўринда қисқа, бошқа ўринда эса батафсил берилади. Бундай ёндашув муаллифнинг мақсадидан келиб чиққан. Муаллиф ўзи учун зарур деб билган воқеликни батафсил, зарур бўлмаган ва аҳамиятсиз бўлганларини шунчаки, хронология учун қайд этиб ўтган.

“Зикр” адабий шакл сифатида шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгарувчан экани “Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” асарлари мисолида аниқланди. Тарихий асарларда келтирилган маълумотлар фақат “*зикри*” шаклида эмас, баъзан “*достони*”, “*ҳикояти*”, “*воқеаси*” тарзида ҳам бериб ўтилган. Демак, муаллифлар воқеа, ахборот ва хабар мазмунига қараб, воқеаларни бир-биридан фарқлаб, махсус сарлавҳаларда баён қилиб ўтади.

Абулғози ҳар бир пайғамбар ҳақида қисқа, хронологик тартибда маълумот беради. Кўпроқ Одам алайҳиссалом, Шис алайҳиссалом, Ануш алайҳиссалом, Қийнон, Маҳлойил, Идрис (Ахнух), Нух, Ёфас алайҳиссалом тўғрисида тўхталади. Уларнинг исмлари маъноси, сифатлари, мўъжизалари ва қанча умр кўрганликларини келтиради. Пайғамбарлар орасида Одам алайҳиссалом ва Нух алайҳиссалом тўғрисида кенг тўхталган. Қолган пайғамбарлар тўғрисида баённи мухтасар қилади.

Тарихий асарларда келтирилган “зикр”ига бир неча адабий вазифалар юклатилган. *Биринчидан*, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳақиқатга яқинлигини таъминлаш. Шу мақсадда ҳар бир тарихий шахс –пайғамбарлар ҳақидаги “зикр”ни ёзиш учун асар муаллифи ўзидан олдин яратилган барча тарихий манбалардан хабардор бўлиши талаб этилган. Шу боисдан Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхон ўз асарларида бир қанча тарихий манбалардан фойдаланганини таъкидлашган. *Иккинчидан*, пайғамбарлар тўғрисидаги маълумотларни баён этишда муаллифдан ишончли ва ишончсиз маълумотларни фарқлай олиш, тарихга холис ёндашиш ва Қуръони карим, Ҳадиси шариф каби манбалар, “Қисас ул-анбиё”лардан хабардор бўлиш талаб этилган. Демак, тарихий асар муаллифи ҳар томонлама билимга эга бўлиши шарт бўлган. Айтиш мумкинки, “зикр” ўзига хос поэтик шакл ва мазмунга эга бўлган эпик асардир. *Зикр* – бир неча кичик адабий жанрларни келтириш асосида муайян тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятига оид воқеаларни баён қилишда, тарихий воқеани изоҳлашда, ахборот ва хабар беришда

⁴³ Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. – Б. 142.

қўлланиладиган ёзма адабиётнинг мустақил адабий шаклидир. Ишда “зикр”нинг “тазкира” жанридан фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

“Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк” асарларидаги кичик адабий жанрларда, мотив ва тарихий образларда ҳам трансформацияни кузатиш мумкин. Айни масала **“Кичик жанрларда анъанавий мотивлар талқини”** фаслида ўрганиб чиқилди. “Тўрт улус тарихи” “Шажарайи турк” асарида *ўқ ва камон (ёй)* ҳам детал, ҳам рамз вазифасида келган ва муқаддас ҳисобланган. *“Олтин ёй ва уч ўқ”* билан боғлиқ воқеа эртақ ва халқ достонларидаги деталларни эслатади. Маълумки, подшоҳлар, буюк саркардалар учун *ўқ ва ёй давлат рамзи* сифатида қаралган. Бу тушунча тарихий ривоят жанрига сингиб, қадимий мотивларнинг шаклланишига хизмат қилган. “Тўрт улус тарихи”да “Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хотину фарзандлари баёни зикри”да келтирилган ҳикоятда *“бир ўқ”* – ожизлик тимсоли, *“кўп ўқ”* – бирдамлик, яқдиллик, енгиб бўлмас куч тимсоли сифатида талқин этилади. Демак, тарихий насрга киритилган ривоят ва ҳикоятлардаги анъанавий мотивлар турли функцияларни бажаришга хизмат қилган.

Тўй мотиви: Таниқли рус фольклоршуноси Б.Н.Путилов мотив тадқиқи устида тўхталиб, унинг адабий асар сюжетини шакллантирувчи муҳим элемент эканини айтади⁴⁴. Ҳар қандай мотив асарда маълум адабий-эстетик вазифани бажариб, тарихий шахснинг тўлақонли тасвирида муҳим ўрин тутаяди. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарларида кичик жанрларда анъанавий равишда келган тўй мотиви қиёсий ўрганилди. Жумладан, “Ўғузхон подшоҳлигининг зикри”да унинг Чин, Хитой, Туркистон ва Сақлаб мамлакатларини эгаллагани шарафига катта тўй қилгани тасвирланади. Тўй мотиви миллатнинг этнографик тарихи, урф-одатлари, яшаш тарзини ҳам ўзида акс эттиради. Унда бажарилган расм-русум, урф-одатлар тасвиридаги бадиий бўёқдор сўзлар асар тилини сайқаллайди. Асардаги маълум воқеа ечими ёки дебочаси вазифасини ўтайди.

Бефарзандлик мотиви: “Шажарайи турк”да келтирилган бир ҳикоятда Эсан Буғанинг бефарзандлиги, унинг Сотилмиш хотинидан фарзанд кўрмагани айтилади. Шу сабабдан Манглай отли канизини ўрдуда сақлаб, унга боқар эди. Ногоҳ, ул канизак хондан ҳомила бўлди, дейилади. Мазкур ҳикоятдаги бефарзандлик мотиви халқ достонларидаги воқеаларга ҳамоҳанг. Бу “Рустамхон” достонидаги Султонхоннинг бефарзандлиги ва хотинлари ўртасидаги муносабатларни эслатади. Тарихий-насрий асарлардаги ривоят ва ҳикоятларда берилган бу мотив тарихий воқелик тасвирига кўчади.

Ҳомиладорлик мотиви: Шарқ ва Ғарб адабиётида кенг тарқалган сайёр сюжетлардан бири улуғ шахсларнинг илоҳий нурдан туғилиши мотивидир. Шу боис тарихий асарлар муаллифлари мотивга ижодий ёндашиб, воқеликни реалистик фонда акс эттиришга ҳаракат қилади. Натижада, тарихий асар

⁴⁴ Путилов Б.Н. Мотив как сюжетообразующие элемент// Типологические исследования по фольклору. – М.:1975. – С. 149.

муаллифи яратган образлар ўзида тарихий ҳақиқатни сақлаб қолгани ҳолда, реал ҳаётдаги кишилар сифатида намоён бўлади. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарида Аланкувонинг нурдан ҳомиладор бўлгани тасвирланган лавҳалар таҳлил этилди.

Қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви: “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарида ғайритабиий туғилиши мотиви мавжуд. Бу мотив эпос қаҳрамонларининг туғилишини ёдга солади. “Тўрт улус тарихи” асарида “Қорахон ибн Мўғулхон подшоҳлигининг зикри”да Ўғузхоннинг ғаритабиий туғилиши ҳақида ривоят келтирилади. Икки асарда ҳам Чингизхоннинг ғайритабиий туғилиши билан боғлиқ воқеа бир хил сюжетга эга. “Ясугай элчи хабар етказди. У Улун Янга хотун авлодидан эди. Ўғил дема, бир шоҳ авлодидан. Унинг мисли дунёга арзийди, тилга камтар олинади. Онадан туғиларкан, қўлу мушти қонли эди. Замон донолари: бу бола соҳибқирон бўлиб туғилган дейишди. Яна шуки, мушtidан бир кафт қотиб қолган қон бор эди. Бу шундан далилки, вақт ўтиши билан замон аҳлини қатл этур, кўплаб подшоларни оёқ ости қилади. Худодан бошқа ҳамма унинг қўли остида хор бўлади. Худди шундай нима деган бўлсалар далилдир. Тангридан ташқари кафтидаги ҳам далил бўлди” (“Тўрт улус тарихи”, 81-бет). Бу воқеа Чингизхон ҳақидаги анъанавий сюжетларнинг шаклланишига замин бўлди. Сюжетнинг юзага келишига асос бўлган прототипларнинг эпик образ даражасига кўтарилиши учун туркий халқлар оғзаки насридаги сайёр сюжетлар ҳамда типологик характердаги анъанавий мотивлардан самарали фойдаланилган. Сюжетдаги ғайритабиий ҳолатлар тасвири асар қаҳрамонини идеал тарзда намоён этиб, унинг буюклигини бўрттириб кўрсатган.

Туғилган болага ном қўйиши мотиви: “Тўрт улус тарихи”да Ўғузхон, Чингизхон ва Жўчихонларга ном қўйиш мотиви алоҳида аҳамиятга эга. Чингизхонга ном қўйиш ҳам мўғулларга хос анъана асосида танланган. “...Шул нарса муносиб бўлур эдики, олий шаън подшоҳлардан бирининг номини бу гўдакка қўйсалар. Ақобирлар учун улуғ ном қўйилиши жоиздур. Султонлар авлодига подшоҳлар бошқа кимсалар исмидан қўймоқ нолайикдир. Сўғуқ Чечаннинг бу сўзлари Ясугай баҳодирга маъқул тушди. Ўзининг аркони давлатини маслаҳатга чақирди ва Сўғуқ Чечандан маслаҳат сўради. Барча аркони давлат ва Сўғуқ Чечан иттифоқ бўлиб Темучин деб ном қўйишга келишдилар” (“Тўрт улус тарихи”, 82-бет). Зеро, ўша замонда Темучиндан мартабалароқ подшоҳ йўқ эди. Шу тасвирлардан кейин муаллиф назмда уни мадҳ этади. “Шажарайи турк”да Абулғози Баҳодирхон Чингизхонга ном қўйиш масаласига батафсил тўхталмайди. “Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўтарганда Чингиз лақаб қўйдилар” (“Шажарайи турк”, 48-бет), – деб кифояланади. Туғилган болага ном қўйиш мотиви асар сюжетида тарихий қаҳрамоннинг келажаги тўғрисида башорат қилиш, ҳукмдорлик сифатлари билан туғилиш, исми жисмига монандлигини кўрсатувчи поэтик вазифани бажарган. Муаллиф бу мотивдан тарихий воқеликнинг ишончли ва такрорланмас жиҳатларини кўрсатишда фойдаланган. Ўғузхон ва

Чингизхоннинг туғилиш воқеалари асар сюжети ривож ва тарихийлик мезонларига уйғун ҳолда тасвирланади. Туғилган болага улуғларнинг исмини бериш, келажакда бу фарзанднинг ҳам улуғлар қаторида бўлишига яхши умид билдириш туркий халқлар ичида ўзига хос анъана ҳисобланган.

ХУЛОСА

Адабий-тарихий асарларда кичик жанрлар поэтикасини ўрганиш борасида таҳлиллар натижасида чиқарилган илмий-назарий хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Тарихий асарларда оилавий хроникалар муҳим ўрин тутиб, ҳукмдорлар шажарасига эътибор қаратилади. Буларни ифодалашда кичик адабий жанрлар катта ўрин тутди. Кичик адабий жанрнинг тадрижий такомил, турли шаклларга кириши, бир тарихий даврдан бошқа тарихий даврга кўчиши, ўзгариб бориши табиий-ижодий жараёндир. Ижодкор ҳаёт ҳақиқатини санъат ҳақиқатига айлантириш жараёнида борлиқда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни танлаб, умумлаштириб, асар сюжетига сингдириб юборади. Ижодкор адабий қонуниятлардан фойдаланган ҳолда бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида ўз ижодий режасини амалга оширади.

2. Адабий-тарихий асарлар мураккаб сюжетли, кенг қамровли, кўп қатламли, тизимли композицион қурилишга эга битиклар ҳисобланади. Адабий-тарихий асарлардаги афсона, ривоят, ҳикоят, нақл, ўғит ва бошқа кичик адабий жанрларда муаллифларнинг ижодий қобилияти намоён бўлади. Тарихий воқеалар тасвири жараёнида ижодкор бадиий маҳорати кўринади.

3. Абулғози Баҳодирхон асарида тасвирланган Ўғузхон тарихий шахсдан кўра халқ идеалидаги қаҳрамон образидир. У ҳақпарвар, имонли шахс сифатида халқ орзусидаги ҳукмдорни ифода этади. Ўғузхон асарда муаллифнинг ғоявий мақсадини ифода этувчи тимсолга айланган. Муаллиф турли тасвир воситалари орқали уни улуғлайди, имон билан туғилган шахсга айлантиради, яъни мифологик ва халқона мотив тарихий-бадиий ҳақиқатга хизмат қилдирилади. Худди шундай ёндашув Мирзо Улуғбекнинг Чингизхон шахсига муносабатида ҳам кўзга ташланади.

Тарихий афсоналар тарихий факт, ижтимоий тўқнашув, тарихий шахслар ҳаётининг айнан сақланиб, акс эттирилгани, жасоратли шахсларнинг идеаллаштирилгани билан ажралиб туради. Бундай афсоналарда халқ маданияти, ижтимоий ҳаёт, урф-одат ва анъаналар машҳур шахслар атрофида шаклланишини кўрсатади. Тарихий образларга юкланган ўзига хос мазмун, бу мазмуннинг поэтик ифодаси Ўғузхон ва Аланқуво образларида кузатилади.

4. Тарихий асарларда Аланқуво анъанавий образ сифатида намоён бўлган. У Аллоҳнинг назарига тушган тарихий шахс, адолатли аёл подшодир. Ҳар бир тарихий-адабий асар муаллифи анъанавий сюжетни адабий-эстетик талабга мослаб тасвирлайди. Аланқуво нурдан пайдо бўлган фарзандлар онаси сифатида илоҳийлаштирилиб, афсонавий мотивга бадиий тасвир орқали

тарихий ҳақиқат туси берилган. Бу образ тарихнависликда муҳим ўрин тутиб, туркий халқларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тарихий наср намуналарида алоҳида аҳамият касб этган. Марям ва у билан боғлиқ афсона ва ривоятлар Аланқуводан олдинроқ мавжуд бўлган. Кейинчалик, Аланқувога Марямга хос хусусиятлар нисбат берилиб, Аланқуво ҳақида афсона ва ривоятлар яратилган. Натижада, унинг бадиий адабиётдаги афсонавий образи юзага келган. Бу образнинг юзага келишида қадимги Кўк Тангри таълимотининг ҳамда Куръони каримда зикр этилган Марям ҳақидаги оятларнинг таъсири кучли бўлган.

5. Афсоналар даврлар ўтиши билан ҳаётий моҳият касб этиб, уларнинг сюжет тизимига реал борлиқ лавҳалари кириб келади. Шу тариқа афсонавий элементлар сюжет таркибидан чиқиб, ҳаётий–реал элементлар сингиб борди. Энди тарихий асарлар ривоят жанрига кўпроқ эҳтиёж сеза бошлади. Адабий жараённинг маълум бир босқичида вужудга келган адабий жанр жамият тараққиёти натижасида ҳаётий талаб ва эҳтиёжларга мослашиб боради. Бошқа жанрлар билан муносабатга киришади. Натижада, у такомиллашиб, янгича ижтимоий-эстетик категорияларни юзага келтиради.

6. Ҳар бир жанрда воқеликни қамраб олиш чегараси, тасвир имконияти, тарихийлик тамойиллари ва жамият тараққиётининг ижтимоий-эстетик функциялари акс этади. Шу нуқтаи назардан адабий жанрларнинг поэтик системаси, тарихийлик принциплари, ижодий ёндашув натижасида ўзгаришларга учраб, фактларнинг тушиб қолиши ва аста-секин структурасига ўтиши мумкин. Кичик адабий жанрлар ижтимоий эҳтиёж ва адабий талаблар асосида, турли ижодий ёндашувлар сабабли бошқа жанр структурасига айланиши мумкин.

7. Тарихий-насрий асарларда ривоят жанрининг муҳим белгиларидан бири ҳикоячилик бўлиб, насрий баёнга асосланади. Тарихий асарларда бу жиҳат устувор аҳамиятга эга. Ривоятлар тарихий асарлар сюжет йўналишида киритма вазифани бажариб, қаҳрамон ҳаёти, фаолиятига доир маълум бир воқеа, ҳолат, лавҳаларни тўлдиришга хизмат қилади, бирор фикрни далиллайди, ғоявий мазмунни бойитади. Бу эса тарихий шахсларни идеаллаштириш имконини беради. Тарихий ривоятларнинг асосий функцияси реал воқеа ҳақида хабар беришдан иборатдир.

8. Адабий-тарихий асарларнинг услубига “Ровийлар ривоят қилубдурларким”, “Айтишларича”, “Яна бир ривоятда”, “Ривоят қилишларича” каби бошланмалар, “зикр”дан “зикр”га ёки воқеадан воқеага ўтишда “Алқисса” боғламаси хосдир. Бундай асарларда сюжет бир меъёрда, фавқулодда ўзгаришлар, ногаҳоний воқеаларсиз баён этилади. Асосий диққат бош қаҳрамон саргузаштини мукаммал, ғоятда нафис, образли баён этишга қаратилади. Уларнинг таркибида руҳий ҳолат, табиат манзаралари, жангу жадаллар тасвири ҳамда қаҳрамонлар портретига бағишланган кўплаб фардбайт, рубоий, қитъа, тўртлик (мураббаъ) туркийча жир, маснавий каби

шеърый шакллар учрайди. Баъзиларида воқеалар назм ва наср аралаш тасвирланади.

9. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарларида ҳикоятларнинг сюжети, композицион қурилиши содда ва ихчам. Уларда аниқ воқеа тасвирланади. Ҳар бир “зикр”нинг ичида Ўғузхон, Чингизхон, Ўгадойхон, Маҳмуд Таробий, Динмуҳаммад каби тарихий шахсларнинг қилган яхши ишлари қисқа баён этилади. Ҳар бир ҳикоят ўзига хос мавзу, сюжет ва образлар тизимига эга бўлиб, маълум бир воқеани ёритишга қаратилган. Ҳар қайси ҳикоятда бош қаҳрамоннинг донолиги, тadbиркорлиги ва адолати улуғланади.

– “Шажарайи турк”да подшоҳларнинг баъзи қилиқлари ва феъллари, уларнинг ибратли ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Биргина “зикр” остида бешта кичик ҳикоят келтирилади. Ҳикоят насрий турнинг алоҳида жанри сифатида қадимий бўлиб, кенг тарқалган.

